

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:_____

МАМАЖОНОВ АБРОР РАХИМЖОНОВИЧ

**КИЧИК ВА ОИЛАВИЙ БИЗНЕСНИНГ ИҚТИСОДИЙ
ТАРАҚҚИЁТДАГИ АҲАМИЯТИНИ ОШИРИШ
ЙЎЛЛАРИ**

Мутахассислик: 5A230602 – “Корпоратив молия ва қимматли
қоғозлар бозори”

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: проф. Яхеев Қ.

ТОШКЕНТ-2013

Диссертация Тошкент молия институти «Молиявий менежмент» кафедрасида
бажарилган.

Илмий раҳбар

проф. Қ.Яҳёев

Кафедра мудири

и.ф.д., проф. Б.Тошмуродова

Магистратура бўлими бошлиғи

и.ф.н., доцент Х.Ахмедов

М У Н Д А Р И Ж А

Кириш.....	3
I-боб. Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини ўрганишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.....	7
1.1 Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари.....	7
1.2 Кичик ва оилавий бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари.....	20
I-боб бўйича хулоса.....	
II-боб. Кичик ва оилавий бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни ва унинг тахлили.....	32
2.1 Кичик ва оилавий бизнес субъектлари ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг тахлили.....	32
2.2 Кичик ва оилавий бизнес субъектларини молиялаштириш механизми ва унинг амалдаги ҳолати тахлили.....	44
II-боб бўйича хулоса.....	
III-боб. Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини ошириш йўллари.....	57
3.1 Кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш истиқболлари.....	57
3.2 Кичик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда инновацияларни жорий этишнинг иқтисодий самараси.....	69
III-боб бўйича хулоса.....	
Хулоса ва таклифлар.....	80
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	84

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда кичик бизнес субъектларининг ўрни йилдан йилга ошиб бормоқда. Ушбу соҳада қабул қилинаётган меъёрий ҳужжатларнинг амалиётга самарали тадбиқ этилиши ва амалга оширилаётган ислохотлар натижасида кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларининг молиявий натижалари ижобий кўрсаткичлар билан ривожланмоқда. Ушбу тармоқни кўллаб-қувватлаш орқали мамлакат макроиқтисодий кўрсаткичларини ривожлантиришга эришилмоқда.

«2012-йилда солиқ юкини камайтириш сиёсати давом эттирилди. Кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 6 фоиздан 5 фоизга туширилгани, якка тартибдаги тадбиркорлар учун белгиланган солиқ ставкаси эса сезиларли тарзда, яъни ўртача икки баробар камайтирилгани бунини яққол тасдиқлайди.

Янги иш ўринлари ташкил этиш ва мамлакатимиз аҳолиси бандлигини таъминлаш 2013-йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган мақсадли вазифаларни ҳал қилишнинг энг муҳим устувор йўналиши бўлиб қолади. Олий Мажлис томонидан маъқулланган дастурда 2013-йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этиш кўзда тутилган. Муҳим ижтимоий аҳамиятга эга бўлган мазкур масалани ҳал этишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини жадал ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу соҳаларда қарийб 500 минг иш ўрни яратиш режалаштирилмоқда. Банд бўлмаган аҳолини иш билан таъминлашда касаначиликнинг турли шакллари, биринчи навбатда, касаначилар ва корхоналар ўртасидаги кооперацияни меҳнат шартномалари асосида кенгайтириш, оилавий бизнесни ривожлантириш катта резерв ҳисобланади. Мазкур соҳалар ҳисобидан 280 мингдан ортиқ кишини ишга жалб қилиш кўзда тутилган¹»

¹ Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

Мамлакатимизда кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини янада ривожлантириш орқали унинг ЯИМ даги улушини ошириш, аҳолини иш билан банд этиш, уларнинг реал даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини яхшилашда кичик бизнес корхоналари молиясини самарали бошқариш муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки бугунги кунда кичик ва оилавий бизнес субъектлари молиясини самарали бошқариш ва бу соҳага хорижий давлатларнинг илғор тажрибаларини жорий этишда айрим камчиликлар ҳам мавжуд. Бундай камчиликларнинг мавжудлиги ушбу соҳани янада ривожланишида маълум маънода тўсқинлик қилиши мумкин. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда биз томондан танланган магистрлик диссертация иши долзарб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг объекти мамлакатимизда фаолият юритаётган кичик ва оилавий тадбиркорлик бизнес субъектларининг молиявий-иқтисодий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети. Кичик ва оилавий бизнес субъектлари молиясини бошқаришда юзага келадиган молиявий-ҳуқуқий муносабатлари тадқиқотнинг предмети ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Кичик ва оилавий бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг иқтисодий тараққиётни таъминлашдаги аҳамиятини аниқлаш, уларнинг молиясини бошқариш механизмини ишлаб чиқиш ва унинг ўзига хос хусусиятларини белгилаш, бу соҳадаги хорижий давлатларнинг тажрибаларини ўрганиш ва амалиётга жорий этиш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун ишимизда қуйидаги **вазифалар** қўйилди:

- кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва назарий асосларини ўрганиш;
- кичик ва оилавий бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш;

- кичик ва оилавий бизнес субъектлари ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- кичик ва оилавий бизнес субъектларини молиялаштириш механизми ва унинг амалдаги ҳолати таҳлил қилиш;
- кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш истиқболларини белгилаш;
- кичик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда инновацияларни жорий этишнинг иқтисодий самарасини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Кичик ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлашнинг назарий жиҳатлари ва амалиётини таҳлил қилиш тадқиқотнинг асосий масаласи ҳисобланади. Диссертация ишида ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларнинг амалиётга тадбиқ этилиши, мамлакатимизда кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиши мумкин.

Тадқиқот мавзусининг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ташкил этилиши ва ривожланишини айрим жиҳатлари Й. Шумпетер, А. Хоскинг, Р. Хизрич, М. Питерс, Ф. Хайек, К. Дж. Лембденларнинг илмий асарларидаб тадқиқ қилинган. Хорижлик иқтисодчи-олимлардан А. Бусыгин, Е. Васильева, М. Овчиян, В. Ломовцев, Р. Гриб, М. Юнус, А. Муравьев, А. Игнатов, А. Крутик, В.Набатников, Б. Райзберг, Ю. Рубина, В. Рубе, П. Роуз, Н. Сирополис, С. Смирнов, А. Таев, О. Лаврушин, М. Лапуста, Т. Минакова ва бошқаларнинг илмий ишларини шулар жумласига киритиш мумкин. Ўзбекистонда сўнгги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий жиҳатлари иқтисодчи олимлардан А. Ваҳобов, О.Иминов, Ш.Эргашходжаева, А.Самадов, Н.Жумаев, У. Азизов, Ғ. Яхшибоев, Ш. Аҳмаджонов, С.Холмуродова, У.Ғафуров, Р. Юнусов ва Р.Омоновларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Тадқиқотда қўлланилган услублар. Диссертацияда илмий абстракциялаш, қиёсий таҳлил, гуруҳлаш, тизимли ёндошув, иқтисодий-статистик таҳлил, корреляцион таҳлил усулларидадан фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотда ишида олинган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ривожлантиришга оид илмий-тадқиқот ишларини янада чуқурлаштиришда, молия-кредит муассасаларининг кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларини молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқишда, кичик бизнесни микромолиявий қўллаб-қувватлаш дастурларини яратиш ва молиялаштириш амалиётини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкин. Диссертация материалларидан академик лицей ва касб-хунар коллежларида “Кичик бизнес ва тадбиркорлик” фанлари ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқув жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги.

- кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиш ва таракқиёт босқичлари тадқиқ этилган;

- молиялаш тизими, кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларини микромолиялашнинг ўзига хос хусусиятлари, зарурлиги, аҳамияти ва уни ривожлантириш омиллари назарий жиҳатдан асослаб берилган;

- хорижий мамлакатларнинг кичик бизнес субъектларини ривожланиш борасидаги илғор тажрибаларидан ижобий фойдаланиш юзасидан амалий тавсиялар берилган;

- кичик ва оилавий бизнес субъектларини фаолиятини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури ишлаб чиқилган.

Диссертация таркибининг тавсифи. Диссертация ишининг таркиби кириш, 3 та боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация матни 89 бетни ташкил этиб, унда 7 та жадвал ва 7 та расм ўрин олган.

I-боб. Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини ўрганишнинг назарий ва ҳуқуқий асослари.

1.1 Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий моҳияти ва назарий асослари

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг ривожланиши республика ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири ҳисобланади. Кичик бизнес корхоналарини молиявий бошқаришни тўғри йўлга қўйиш орқали ишлаб чиқариш омиллари самарали тақсимланади, янги иш ўринлари вужудга келади, аҳоли бандлигини таъминлайди ва даромад манбаларини яратади, рақобатни ривожлантиради.

Иқтисодиётда кичик бизнеснинг ривожланиш тарихи шундан далолат берадики, иқтисодий адабиётларда тадбиркор ташаббускор, янгиликка интилувчан, илғор фикрловчи, ақл соҳиби, шафқатсиз рақобат курашида муваффақиятга эришувчи инсон сифатида тасаввур қилинади. XX аср бошларида Ғарбда Й.Шумпетернинг тадбиркорлик назарияси кенг тарқалди. Унинг фикрича, «тадбиркорликнинг вазифаси-янги ихтироларни ишлаб чиқаришга жорий этиш йўллари билан ишлаб чиқаришни ислоҳ қилиш ва инқилобий ўзгаришларни амалга оширишдир»². Бора-бора ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ривожланиши билан хусусий тадбиркорлик тушунчаси тўғрисидаги тасаввурлар ҳам ривожланиб борди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тушунчаларининг моҳиятини бошқа бир гуруҳ иқтисодчи олимлар қуйидагича изоҳлашади. Масалан, «Экономикс» дарслигининг муаллифлари хусусий секторни махсус инсоний ресурс сифатида қабул қиладилар. Уларнинг фикрича, кичик бизнес - бу шундай соҳаки, у товарлар ва хизматлар ишлаб чиқарилиши жараёнида ер ресурслари, капитал ва меҳнатни бирлаштириш бўйича ташаббусни ўз зиммасига олади, шунингдек бизнесни юритиш жараёнида асосий қарорларни қабул қилади. Бундан ташқари, мазкур соҳа янгилик яратувчи

² Шумпетер Й. Теория экономического развития. М.: Прогресс. 1985, 159-б.

бўлиб, тижорат асосида янги маҳсулотлар, янги ишлаб чиқариш технологиялари ёки бизнесни ташкил этишнинг янги шакллари ишлаб чиқаришга интилувчи, таваккалчилик билан иш тутади.³

Бошқа бир гуруҳ хорижий олимлар эса хусусий секторни хусусий шахслар, корхоналар ёки ташкилотлар томонидан моддий бойликларни яратиш, ишлаб чиқариш, товарларни харид қилиш ёки сотиш бўйича манфаатдор шахслар ёки ташкилотлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида, хизматлар кўрсатишни амалга ошириш сифатида тушунадилар.⁴

Ҳозирги замон иқтисодий адабиётларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти тўғрисида ягона илмий таърифга келингани йўқ. Масалан, А.Бусигин хусусий секторга фойда (даромад) олиш мақсадидаги иқтисодий фаолликнинг махсус тури сифатида таъриф беради. Бу фаолиятининг мақсади деб, шундай товарни ишлаб чиқариш ва сотишни тушунадики, у бозорда талабга эга бўлиб, тадбиркорга фойда келтириши лозим булсин.⁵ У кичик бизнесни иқтисодий фаол соҳа деб ҳисоблаб, бунинг асосини фойда олишга йўналтирилган мақсадли фаолият, тадбиркорлик фаоллигини эса, фойда олиш мақсадида маҳсулот ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича фаолиятнинг ўзини тушуниш тарзида ифодалайди. Натижада кичик бизнес тушунчасининг мазмуни бозорда талабга эга бўлган маҳсулотни ишлаб чиқариш ва сотиш бўйича мақсадли фаолиятни англатади.

Н. Сирополис тадбиркорликни жонли, динамик фаолият ҳисоблаб, тадбиркорни ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этувчи, уни бошқарувчи ва барча мавжуд рискни ўзига олувчи шахс сифатида талқин қилади ва унинг қуйидаги муҳим хусусиятларини кўрсатиб беради: аниқ мақсадларни кўзлаш; новаторлик; фаолиятнинг рисклилиги; ўзига ишониш; қатъиятлилиги; жавобгарлик⁶.

³ Макконелл К.Р., Брюс. Л. Экономикс. Т-1, М.: 1992, 38-б.

⁴ Жан Луи Сервач-Шрейбер. Ремесло предпринимателя. М.: Меж.от 1994, 50-б.

⁵ Бусыгин А.В. Предпринимательство, начальный курс. М.: НИРП. 1992, 17-б.

⁶ Сирополис Николас К. Управление малым бизнесом. Руководство для предпринимателей: Пер. с англ. - М.: Дело, 1997. - С.

М. Лапуста, Ю. Старостин тадқиқотларида “кичик тадбиркорлик – конунчиликда белгиланган меъёрларга мувофиқ бозор иқтисодиёти субъектлари томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши”⁷, деб қайд этилган. А. Ўлмасов, А. Ваҳобовлар фикрича, “тадбиркорлик моҳиятан бизнеснинг асосий тури. Аммо ҳар қандай бизнесни тадбиркорлик деб бўлмайди. Бунинг учун бизнес яратувчилик белгиларига эга бўлиши лозим”⁸. Тадбиркорлик яратувчанлик хусусияти билан бизнесдан фарқланади ва “кичик” сўзи мулк шаклини эмас, аксинча корхона кўламини тавсифлайди, холос. Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишда намоён бўлади. Тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб, мазкур соҳанинг ўзига хос хусусиятларини алоҳида ажратиб, қўйидагича тасвирлаш мумкин (1.1-расм).

Кичик бизнес таркибида хусусий жамоа ва аралаш мулкчиликка асосланган корхоналар мужассамлашган. Ҳозир Ўзбекистондаги кичик бизнес микрофирмалар ва кичик корхоналардан, фермер ва деҳқон хўжаликларидан ва ниҳоят томорқа хўжалиги ва индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлардан иборат. Мазкур хўжалик турларининг умумийлиги, уларда хусусий мулкнинг мавжудлиги, хўжалик фаолиятининг либерал (эркин)лиги бўлса, уларнинг фарқлари ишлаб чиқариш миқёси ва технологияларнинг ҳар хиллиги, хўжаликнинг товарлилик даражаси ва натурал истеъмолнинг мумкинлиги, нархларнинг эркинлик даражаси ва ниҳоят ўз меҳнати ва ўзга меҳнатидан фойданишдан иборатдир. Мазкур фарқланишни англаш учун хусусий секторга оид корхоналар фаолиятини илмий асосларини билиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Кичик бизнес корхоналари хусусий секторнинг базавий заминини ташкил этади, улар индивидуал хусусий мулкка асосланган товар ишлаб чиқарувчилардан иборатдир. Аммо хусусий секторда оз бўлса-да, корпоратив

⁷ Лапуста М. Г., Старостин Ю. Л. Малое предпринимательство. - М.: ИНФРА-М, 1997. - С. 5.

⁸ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. - Т.: Шарқ, 2006. - Б. 142.

хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар ҳам мавжуд, бу давлат улуши бўлмаган акциядор жамиятларга кичик корхоналардан иборатдир.



1.1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятлари⁹

⁹ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда магистрант томонидан тузилди.

Кичик бизнес фақат хусусий секторнинг устуворлиги билан эмас, балки ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси унча юксак булмаганидан унинг капитал сиғими кичик булиши билан ҳам ажралиб туради. Ишлаб чиқаришни серкапитал булмаслиги туфайли кичик корхоналар катта инвестицияларни талаб этмайди. Улар минитехнологияга таянади, аммо кенг доирада ихтисослашган бўлиб, асосан истеъмол товарларини ишлаб чиқариш билан машгул бўладилар, улар яратган товарлар ва кўрсатадиган хизматлар маҳаллий ва хоржий бозорларга мўлжаллангандир.

Кичик бизнесда банд булган ишбилармонлар ва тадбиркорларнинг хусусиятлари ҳақида сўз юритилганда, иқтисодчи олимлар уларга хос бўлган қуйидаги сифатларни, яъни ташаббускорлик, таваккалчилик, ижодкорлик, бошланган ишга масъулиятлилик, ўз меҳнати натижаларидан моддий ва маънавий манфаатдорлик ва ҳоказоларни таъкидлаб кўрсатадилар.

АҚШлик иқтисодчи олим А.Каплан “Кичик бизнес: унинг ўрни ва муаммолари” номли илмий монографиясида бу мавзуда шундай дейди: “Кичик бизнесни таснифлаш муаммоси ва бир қатор жиддий ёки бунинг акси бўлган мавжуд таърифлар шархидан сўнг “Small business” тушунчасини тадбиркорлик соҳасининг номланиши эмас, балки сиёсий шиор деб атаётганларига ҳайрон қолмаса ҳам бўлади”.¹⁰ Кичик бизнесга бўлган амалий қизиқиш 1953 йил АҚШда мустақил давлат маҳкамаси - кичик бизнес ишлари бўйича Маъмуриятни ташкил этилишига олиб келди.

В.Рамзес “Урушдан кейинги Японияда кичик ва ўрта корхоналар” номли рисоласида кичик ва ўрта корхоналарнинг Япония иқтисодиётининг иккинчи жаҳон урушидан кейинги даврда юз берган юқори суратлардаги иқтисодий ўсишини таъминлашдаги ролини илмий жихатдан асослаб берган. Унинг фикрига кўра, Японияда кичик ва йирик бизнес корхоналари жуда уйғунлашиб кетган. Энг кичик корхоналар ҳам йирик корхоналар томонидан сиқувга олинмаган, балки йирик компанияларнинг ишлаб чиқариш

¹⁰ Kaplan A. Small Business: its Place Problems. New York. 1948. p 21

жараёнига жалб этилган. Айнан Японияда дунёда биринчилардан бўлиб, 30-йилларда субпудрат тизими жорий қилинган.

Кичик бизнеснинг асосий қатламини ва ўзагини ташкил этувчи - хусусий тадбиркорлик бу мулкдан фойдаланиш натижасида доимий тарзда фойда олишга, ижтимоий эҳтиёжларни қондириш учун маҳсулотлар (хизматлар, ишлар) сотишга, ишлаб чиқаришга йўналтирилган мустақил фаолиятдир. Хусусий тадбиркорнинг фаолияти юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўз таваккалчилиги асосида амалга оширилади ва бу шахслар қонунда белгиланган тартибда ушбу иш учун рўйхатга олинади ва фойда олиш мақсадида мулкчиликнинг барча шаклидан, молиявий, моддий ва меҳнат ресурсларидан ташаббускорона фойдаланиш билан боғлангандир.

Ўзбекистон Республикасида фақат банд бўлган кишилар сони мезони бўйича кичик бизнес фаолиятини аниқлаш амалиётидан фойдаланилади.

Якка тартибдаги тадбиркор; микрофирмалар: ишлаб чиқариш тармоқларида 20 кишигача; хизмат кўрсатиш ва ноишлаб чиқариш соҳасининг бошқа тармоқларида 10 кишигача; улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача;


Кичик корхоналар: енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочни қайта ишлаш, мебель саноати ва қурилиш материаллари саноатида 100 кишигача; машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ҳамда бошқа саноат ишлаб чиқариш соҳаларида 50 кишигача; фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳаси (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган бошқа соҳаларда 25 кишигача

Кичик ва ўрта бизнеснинг аҳамияти қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: кичик ва ўрта бизнес – аҳолининг асосий қисми учун меҳнатини қўллайдиган жабҳа ва даромад манбаидир. Кичик ва ўрта корхоналар бутун иқтисодиётнинг самарадорлигини сезиларли даражада оширади ва иқтисодиётнинг ҳудудий тузилмасини яхшилайти.

Алоҳида шахс учун ҳам кичик бизнеснинг манфаати жуда катта. Улар учун кичик ва ўрта бизнес қуйидагилар манбаидир:

- бандлик ва даромадлар;
- ўз келажагини яхшироқ бошқариш имконияти;
- иш ва шахсий ҳаётни янада яхлитроқ бирлаштириш имконияти;
- ўз ишини топиш, ўз қобилиятлари ва истеъдодини намоён қилиш имконияти.

Кичик бизнес корхоналарининг миллий иқтисодий ривожлантиришдаги роли қуйидаги афзалликлар ва устиворликлар билан изоҳланади (1.2-расм). Кичик ва ўрта бизнеснинг потенциал имкониятлари уни ривожлантиришга жиддий эътибор беришга мажбур қилади. Мамлакатимизда кичик ва ўрта бизнес секторининг рағбатлантирилиши республика ижтимоий- иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан ҳисобланади.



1.2-расм. Кичик бизнес корхоналари иқтисодий ривожлантиришдаги аҳамияти¹¹

¹¹ Иқтисодий адабиётлардан фойдаланган ҳолда магистрант томонидан тайёрланди.

Бир қатор ҳукумат қарорлари натижасида бошланган кичик ва ўрта корхоналарни яратишни рағбатлантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётда улар аҳамиятининг ошишига олиб келди.

Ҳозирги кунга қадар, иқтисодиётнинг ушбу секторини ривожланишини белгилаб берувчи босқичлар мамлакатимизда бозор муносабатларининг босқичма-босқич асосда шаклланиб боришининг таъсири билан характерланади.

Юқорида айтиб ўтилганидек, кичик бизнеснинг, хоҳ у ривожланган мамлакатларда бўлсин, хоҳ ривожланаётган ва иқтисодий ўтиш давридаги мамлакатларда бўлсин, асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу сектори доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишга эҳтиёжманд эканлиги ҳисобланади. Мамлакатимизда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб ҳозирги кунга қадар кичик бизнеснинг ривожланишини қўллаб-қувватлаш ва тартибга солиш давлатнинг муҳим функцияларидан бири бўлиб келмоқда. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинди:

- мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди;
- кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда;
- кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди;
- имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради;
- ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

Кичик бизнеснинг иқтисодиётдаги аҳамиятини тавсифловчи тўрт асосий кўрсаткични белгилаш мумкин. Булар унинг:

- рўйхатга олинган, шунингдек ҳақиқатдан фаолият кўрсатаётган корхоналар умумий сонидаги ҳиссаси;
- ЯИМда, саноат, қишлоқ хўжалиги маҳсулот ҳажмида, қурилиш ишлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ҳиссаси;
- иқтисодиётдаги банд аҳоли сонидаги ҳиссаси;
- экспорт маҳсулот ҳажмидаги ҳиссаси.

Кичик бизнес белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишидир. Мазкур соҳа иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти унинг афзалликлари ва устиворликлари билан изоҳланади, улар қуйидагилардан иборат:

-моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларининг самарали тақсимланишига ёрдам беради;

- янги иш ўринларини вужудга келтиради ва қўшимча иш жойларини ташкил этади;

- фаол тадбиркор шахсларни юзага чиқаради, уларни тажриба ўргатиш, иш ўргатишни таъминлайди, технологик, техник ва ташкилий янгиликларни ишлаб чиқишда ва жорий этишда қўл келади;

- рақобат муҳитини юзага келтиради ҳамда иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқани яхшилади;

- кичик бизнес корхоналари йирик корхоналарга нисбатан бозор талабларига қисқа муддат ичида ёки тез мослаша олади;

- кичик бизнес корхоналарида меҳнатни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш, янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш тезда рўёбга чиқади.

Кичик бизнес жамият учун бошқа соҳаларга нисбатан кўпроқ янги товарлар ва хизматларни етказиб беради ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб, ўз фаолиятини шу талабга мослаштиради, истеъмол

бозорини товарлар билан тўлдириш оркали бюджетга солиқ тушумлари хажмини орттиради.

Ижтимоий ишлаб чиқариш кучларининг ва ишлаб чиқариш муносабатларининг улкан истиқболлари илмий техниканинг жадал суратларда ривожланиши, мулкчилик шаклини ислоҳ қилиш, инсоннинг интеллектуал ва маънавий имкониятларини ҳар тарафлама юзага чиқариш билан боғлиқ.

Жаҳондаги ривожланган мамлакатларда иқтисодиётнинг барча тармоқларида кичик корхоналарни барпо этиш ва уларни фаолиятини ривожлантириш оркали иқтисодий юксалиш илдам қадамлар билан амалга оширилди. Дунё тажрибаси шундан далолат берадики, кичик корхоналар, ўрта ва йирик корхоналарга нисбатан бозор талабига қисқа муддат ичида мослаша олади. Меҳнатни ташкил этиш, янги техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш янги ишлаб чиқариш қувватларини барпо этиб ундан самарали фойдаланиш кичик корхоналарда тез руёбга чиқади.

Иқтисодиётда кичик корхоналарнинг фаолият кўрсатиб ишлаши йирик корхоналарни айрим харажатларидан холос этиб, кўп ҳолларда йирик корхоналарда қўлланиладиган янги техника ва технология кичик корхоналарда қўлланилиши кўпроқ самара беради. Кичик корхоналар жамият учун бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ янги товарлар етказиб бера олади ҳамда истеъмолчиларнинг талабини кенгроқ ўрганиб ўз фаолиятини талабга мослаштира олади. Кичик корхоналарда меҳнатни ташкил этиш истеъдодли, талантли кадрларнинг ижодий фаолиятидан самарали фойдаланиш билан бирга уларнинг жамиятга танилишига ҳам имконият яратади.

Бошқа корхоналарга нисбатан кичик корхоналарда тажрибали мутахассислардан фойдаланиш имкониятлари ниҳоятда юқоридир. Маҳаллий хом ашёлардан фойдаланиш, чиқиндилардан ва меҳнат потенциалидан фойдаланишда кичик корхоналар учун имкониятлар мавжуд. Бозор иқтисодиётига хос бўлган талаб капитални айланишининг тезлашиши айнан

кичик корхоналарда йўналтирилган капитални ўз-ўзини қоплаши йирик корхоналарга нисбатан уч маротаба юқорилиги исботланган.

Мамлакатимизда самарали кичик корхоналар сони қанча ортиб борса, халқимизнинг маҳсулотларга бўлган талаблари шунча қондирилиб борилади. Кичик корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулотлар фақатгина ички бозорнинг талабини қондирибгина қолмай, балки ташқи бозорда ҳам ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшади. Янгидан шаклланган бозор муносабатларини ўз навбатида ишлаб чиқариш, тақсимот айирбошлаш, истеъмол муносабатларига ҳар томонлама таъсир этиб, жамиятда иқтисодий эркин ишлаб чиқаришга ва бунинг эвазига юқори даромадни қўлга киритиш учун турли мулк корхоналари ўртасида иқтисодий рақобат кучайиб боришига имконият яратади. ўз навбатида бозор муносабатлари талаб ва таклиф қонуни таъсири остида ривожланиб, бозор ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи орасидаги боғловчи, ҳаракатга келтирувчи, бошқарувчи сифатида ҳар бир шахсни актив иқтисодий фаолият кўрсатишга сафарбар этади.

Кичик бизнеснинг муҳим белгиларидан бири ўз ишига, мулкига бевосита эгалик қилишдир. Бунда мулк ва назоратнинг айнан ички боғлиқлиги, мулкдор ва тақлика билан боғлиқ тўла жавобгарлик ва маъсулиятни ўзига қабул қила оладиган бошқарувчини, моддий жавобгарлик шахсининг ягоналиги муҳимдир.

Кичик бизнесни ижтимоий-иқтисодий моҳиятини тўлароқ очиб бериш учун унинг бошқа иқтисодий субъектлари (йирик ва ўрта бизнес)дан фарқли жиҳатлари, қолаверса, афзалликлари хусусида тўхталиб ўтиш лозим бўлади. Хусусан, америкалик иқтисодчи Р.Стюарт кичик бизнеснинг хусусиятлари сифатида қуйидагиларни кўрсатиб ўтади:

- кичик бизнес, кўпчилик янги маҳсулот ёки хизмат турининг бунёд этилиши учун бошланғич ишлаб чиқариш нуқтасидир. Бир шахс бирорта гоёни амалда тадбиқ этишга уринади. Агарда, у муваффақиятли бўлиб чиқса, бизнес ўсади ёки маҳсулот катта қажмларда сотиб олинади;

- кичик бизнес ихтисослашган маҳаллий эҳтиёжларни қондиришга яхши мослашган бўлади;
- кичик бизнес шахсга тажриба орттириш имконини бериш мумкин ва ўзларига кейинчалик кенгроқ миқёсда қўл келиши мумкин;
- оммабоп ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жонига теккан истеъмолчиларга, қунармандлар шахсий режа бўйича ишланган маҳсулот таклиф этишлари мумкин;
- кичик бизнес ўз истеъмолчисини шахсан билиши мумкин бўлган хизмат турларини таклиф этади;
- якка мулкдор, истеъмолчиларнинг ишини ёки бажарашидан манфаатдор шахсга нисбатан ишончлиларига таянади¹².

Профессор Н.Тўхлиевнинг кичик ва хусусий тадбиркорлик (бизнес) ҳақида шундай фикрлари мавжуд:

биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашда хизмат қилади;

иккинчидан, мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ишлаб чиқаришни бозорни истеъмол моллари ва хизматлар билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади¹³.

Юқорида келтирилган қарашлардан келиб чиққан ҳолда, кичик бизнесни ривожлантириш омиллари борасида фикрларни келтирмоқчи эдик.

Муҳтарам президентимиз И.А.Каримов кичик бизнес корхоналарини ривожлантиришнинг зарурлигини белгиловчи омиллари ҳақида қуйидаги фикрларни таъкидлаганлар:

- республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитади;
- аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойларда) иш билан бандлиликни таъминлайди;

¹² Robert L. McCan. Anoutline of the American Economy. USE.: November 2002.

¹³ Н.Тўхлиев. Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти. Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси». 2004 й.

- кичик бизнес фақат ички бозорни истеъмол товарлари билан бирга ташқи бозорларга ҳам рақобатбардошли маҳсулотлар чиқаришга қодир;
- кичик бизнесда бозор конъюнктурасининг ўзгаришига тезда мослаша олиш имконияти ҳам мавжуд;
- унинг фан ва техниканинг янги ютуқларини тез ўзлаштиришни қобилияти ҳам бор¹⁴.

Ўзбекистон Республикасида мустақилликнинг биринчи йилларидан кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга берилаётган эътибор ва уни таркиб топиб, ривожланишига хос бўлган умумий хусусиятлар ҳақида сўз юритадиган бўлсак, у ҳолда қуйидагиларни алоҳида ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

1. Иқтисодиётни ривожлантириш андозалари ўзгарди. Яъни, устиворлик миқдорий кўрсаткичлардан сифат кўрсаткичларига берилди. Товар ва хизматларнинг сифати катта аҳамият касб этди. Бундай шароитда йирик корхоналар ўзгарувчан шароитга мослаша олмай қолдилар. Кичик бизнес корхоналари эса конъюнктуранинг ҳар қандай ўзгаришларига тез ва осон мослаша олиш имкониятлари мавжудлигини кўрсатишди.

2. Илмий-техника тараққиётини жадаллашуви натижасида кичик бизнес корхоналарининг фаолияти учун зарур бўлган техникалар, масалан, мини-ускуналар, микропроцессорлар, мини-ЭХМлар пайдо бўлди. Бундай шароитда ҳамиша йирик ишлаб чиқариш тармоғи ҳисобланган металлургияда ҳам мини заводлар пайдо бўлди ва улар йирик корхоналар билан бемалол рақобат қила бошлади.

3. Истеъмолчилар психологиясининг ўзгариши. Истеъмолчиларда стандарт товарлар сотиб олишга бўлган қизиқиш кескин сўнди. Бир сўз билан айтганда, талабнинг табақалашуви ва истеъмолнинг индивидуаллашуви юз берди.

4. Кичик бизнес корхоналари моҳиятига кўра икки йирик гуруҳга бўлиниб кетди:

¹⁴ И.Каримов. Ўзбекистон буюк келажак сари. Т.: «Ўзбекистон», 1999. 574-б.

а) йирик бизнес билан бевосита боғланган кичик корхоналар. Бу корхоналар юридик жиҳатдан мустақил бўлсада, йирик корхоналар билан шартнома асосида ишлайди. Иқтисодий адабиётларда кўпинча бундай корхоналар субпудратчилар дейилади. Кичик бизнес корхоналарида тор доирадаги ихтисослашув туфайли товарлар таннархининг пастлиги, ишлаб чиқариш жараёнини техник жиҳатдан қайта жихозлашнинг нисбатан осон ва ихчамлиги, маҳсулот сифатини ошириш имкониятининг катта эканлиги йирик корхоналар уларнинг хизматидан фойдаланишини кучайтирди;

б) йирик бизнес билан тенг рақобат қила оладиган, юридик ва иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган кичик бизнес корхоналари.

Фикримизча, мавжуд қонунчиликка мувофиқ моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш, ўз тажрибаси ва билими, яратувчанлик ва риск асосида фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни – *тадбиркорлик*; амалдаги қонунлар доирасида ҳар қандай фаолият билан шуғулланиб, шу жумладан, товар ва хизматлар яратиш орқали фойда олишга қаратилган иқтисодий фаолиятни - *бизнес*; тадбиркорлик субъектларининг қонун доирасида ўз ва ўзга маблағлар ҳамда интеллектуал салоҳияти эвазига яратувчанлик ва риск асосида турли иқтисодий ўзгаришларга тез мослашувчи, аҳолининг талабини қондирувчи маҳсулотлар (иш, хизмат) ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш орқали фойда олишга қаратилган ташаббускор фаолиятни - *хусусий тадбиркорлик*, деб таърифланишини ўринли деб ҳисоблаймиз.

1.2 Кичик ва оилавий бизнес субъектлари фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

Тадқиқотимизнинг ушбу параграфида кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини ёритиб ўтамиз. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ иқтисодиётда тубдан ислохотлар амалга оширила бошланди. Ушбу ислохотларнинг муҳим йўналишларидан бири кичик бизнес субъектлари

фаолиятини ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва қонунчилик асосларини мустаҳкамлаш ҳисобланади.

Республикамизда кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қўллаб меъёрий ҳужжатлар қабул қилинган бўлиб биз уларнинг айримлари хусусида тўхталиб ўтмоқчимиз.

Кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишнинг муҳим қонуний ҳужжатларидан бири Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонуни ҳисобланади. Ушбу Қонуннинг асосий мақсади оилавий тадбиркорлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир¹⁵.

Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир. Оилавий корхона ўз мажбуриятлари бўйича қонунга мувофиқ ундирув қаратилиши мумкин бўлган ўзига тегишли барча мол-мулк билан жавоб беради.

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонуни.

Оилавий корхона иштирокчилари умумий йиғилишининг ваколатларига қуйидагилар киради: оилавий корхона бошлиғини сайлаш; оилавий корхонанинг устав фондини белгилаш ва унинг миқдорига ўзгартишлар киритиш; таъсис шартномасига мувофиқ оилавий корхонанинг фойдасини тақсимлаш тўғрисида қарор қабул қилиш.

Оилавий корхона кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган соддалаштирилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган санадан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Ариза берувчини оилавий корхона сифатида давлат рўйхатидан ўтказишни рад этганлик, шунингдек рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик устидан судга шикоят қилиниши мумкин. Рўйхатдан ўтказувчи органнинг қарори, шунингдек мазкур орган мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) суд томонидан қонунга хилоф деб топилган тақдирда, улар ариза берувчига оилавий корхонани рўйхатдан ўтказишни рад этганлик ёки рўйхатдан ўтказиш муддатини бузганлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплайди ва маънавий зарар учун компенсация тўлайди.

Оилавий корхонанинг устав фонди пул маблағлари, қимматли қоғозлар, бошқа мол-мулк, шу жумладан пул билан баҳоланадиган мулкӣ ҳуқуқлар ёки ўзга шахсга ўтказиладиган бошқа ҳуқуқлар ҳисобидан шакллантирилади. Ягона уй (квартира) оилавий корхонанинг устав фондига киритилиши мумкин эмас. Оилавий корхонанинг устав фонди корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш учун ҳужжатлар тақдим этиладиган санадаги қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақининг ўн баравари миқдоридан кам бўлмаслиги керак. Оилавий корхонанинг қуйидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари мавжуд:

- мустақил равишда товарлар ишлаб чиқаришга (ишлар бажаришга, хизматлар кўрсатишга) доир фаолиятни ташкил этиш, ишлаб чиқарилган товарларни (ишларни, хизматларни) тасарруф этиш ва уларга нарх белгилаш;
- лизинг ва суғурта хизматларидан фойдаланиш;
- тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш;

- ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.
- тузилган шартномалар бўйича зиммасига олган мажбуриятларни ўз вақтида ва тегишли тартибда бажариши;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаши;
- реализация қилинадиган маҳсулот ва хизматлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлиши.

Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни нақд пулли ва (ёки) нақд пулсиз ҳисоб-китоб бўйича реализация қилиши мумкин. Оилавий корхона маҳсулотини реализация қилиш у ишлаб чиқарилган жойда амалга оширилиши мумкин. Оилавий корхонада ҳисоб ва ҳисобот, шунингдек унинг фаолияти устидан статистика кузатувлари кичик тадбиркорлик субъектлари учун назарда тутилган тартибда юритилади.

Оилавий корхона оилавий корхонанинг иштирокчилари ва ёлланма ходимлари учун меҳнат ҳақи, мукофотлар ҳамда компенсацияларнинг шакллари, тизимини ва миқдорини қонун ҳужжатларига мувофиқ мустақил равишда белгилайди. Оилавий корхона иштирокчилари ва ёлланма ходимларининг меҳнат ҳақи тарафларнинг келишувига кўра, лекин қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлмаган миқдорда белгиланади.

Давлат органлари оилавий корхонани ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиши шарт.

- фойдаланилмаётган яшаш учун мўлжалланмаган жойлар уларда товарлар ишлаб чиқаришни (ишлар бажаришни, хизматлар кўрсатишни) ташкил этиш учун оилавий корхонага ижарага берилишини;
- ишлаб чиқариш майдонлари қуриш учун оилавий корхонага ер ажратилишини;
- оилавий корхона ишлаб чиқариш объектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланишини;
- оилавий корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотни реализация қилиш учун махсус жойлар берилишини таъминлайди.

Оилавий корхоналарга солиқ солишни қуйидаги хусусиятлари мавжуд:

Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди. Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурия тўловлар тўлайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадийи хунарандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод қилинади. Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

Мамлакатимизда ўтган йиллардаги кичик бизнес соҳасини ривожлантиришдаги амалга оширилган муҳим ишлардан бири 2011 йилни “Кичик ва хусусий тадбиркорлик йили” деб эълон қилинганлигидир. Бунда ушбу соҳани янада ривожлантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили” Давлат дастури тўғрисидаги Қарори қабул қилинган бўлиб, бунда қуйида асосий жиҳатлар ва вазибалар белгилаб берилган эди:

1. Мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида янада қулай бизнес-муҳит яратиш, хусусий мулкчиликнинг устуворлигини мустаҳкамлашга йўналтирилган қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва бу борада ишончли кафолатларни таъминлаш, тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш, давлатнинг бошқарув функциялари ва рухсат берувчи нормаларни қисқартириш, бюрократик тўсиқ ва ғовларни олиб ташлаш, кичик бизнес субъектларининг молия-кредит ва хом ашё ресурсларидан, улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларга давлат буюртмалари берилишидан кенг фойдаланишини таъминлайдиган бозор воситалари ва механизмларини татбиқ этиш; давлат ва назорат органларининг тадбиркорлик субъектлари молия-хўжалик фаолиятига аралашувини кескин қисқартириш;

2. Кичик корхоналар ташкил қилиш ҳамда кичик корхоналар ва тадбиркорларни рўйхатдан ўтказиш тартиб-қоидаларини янада соддалаштириш, кичик бизнес субъектларини куриш ва уларни муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш, нотуражой хоналари ва зарур ер участкаларини ажратиб бериш борасидаги масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ чора-тадбирларни қабул қилиш;

3. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун солиқ ва бошқа тўловлар бўйича янада қулай шарт-шароитлар яратиш, имтиёз ва преференциялар бериш, ҳисоботлар тизими ҳамда молия, солиқ ва статистика органларига ҳисоботлар топшириш механизмини такомиллаштириш ва унификациялаш;

4. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредитлар бериш механизмини янада такомиллаштириш ва уларнинг ҳажмини ошириш, биринчи навбатда, инвестиция мақсадларига, бошланғич сармояни шакллантиришга кредитлар ажратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ҳамда технологик янгилаш учун ўрта ва узоқ муддатли кредитлар бериш;

5. Кичик бизнесни ривожлантиришга хорижий инвестицияларни, авваламбор, халқаро молия институтларининг кредитларини ҳамда тўғридан-тўғри инвестицияларни кенг жалб этиш ва йўналтириш;

6. Саноат тармоқларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда юқори технологияга асосланган замонавий ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун кенг имкониятлар яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан ишлаб чиқаришга инновацион технологиялар жорий этилишини рағбатлантириш;

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятдаги иштирокини кенгайтириш масалаларини тубдан ҳал этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини оширишга, экспортга мўлжалланган маҳсулотини жаҳон ва минтақавий бозорларга олиб чиқишга қўмаклашиш; кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот билан

таъминлаш, шунингдек, кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш масалаларида уларга консултатив кўмак бериш тизимини янада ривожлантириш.

Бундан ташқари мазкур Дастурда белгиланган вазифаларни ижросини назорат қилиш учун Республика комиссияси ташкил этилган бўлиб, буларда қуйидаги аниқ топшириқлар белгилаб берилган эди:

- тадбиркорларнинг ўз ишини очиши билан боғлиқ масалаларда содир бўлаётган аниқ ўзгаришларга;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг муҳандислик-коммуникация тармоқлари - энергия ва газ таъминоти, сув ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа тармоқларга уланиши бўйича шарт-шароитларнинг яхшиланиши ва муддатлари қисқартирилишига;

- тадбиркорлик субъектларига ер участкалари, шунингдек, нотузаржой хоналар ажратиб бериш билан боғлиқ ҳолат қанчалик яхшиланганига;

- кичик бизнес субъектлари фаолиятини текшириш ва бошқа ортиқча чеклашларни, давлат ва назорат органларининг тадбиркорлар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини қисқартириш борасидаги ишларнинг аҳволи қай тарзда ўзгараётганига;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилиши билан боғлиқ ишларнинг аҳволи қанчалик ўзгарганига алоҳида эътибор қаратилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”¹⁶ги қарори асосида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қуйидаги чора тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги қарори. www.lex.uz. – Республикаимиз қонунчилигининг расмий сайти маълумотлари.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлаш ҳажмини 2011-2015 йилларда 2,7 бараварга ошириш;
- халқаро молия муассасалари ва хорижий мамлакатлар ҳукуматлари томонидан ажратиладиган грантлар ва кредит линиялари миқдорини ошириш;
- тижорат банкларида имтиёзли кредитлаш жамғармаларини ташкил этиш, жамғарма маблағларини узоқ ҳамда бориш қийин бўлган жойларда, шунингдек аҳоли зич яшовчи ҳудудларда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини кредитлаш учун сафарбар этиш;
- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарни кредитлаш ҳажмини ошириб бориш;
- мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни харид қилиш учун аҳолига истеъмол кредитлари беришни янада ошириш ва ҳоказолар.

Президентимизнинг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”¹⁷ги Фармонини эълон қилиниши мазкур соҳа ривожини учун янада янги қулайликларни яратди.

Жумладан, унда янги ташкил қилинган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолияти улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб дастлабки уч йил мобайнида режали солиқ текширишларидан ўтказилмаслиги, 2011 йилнинг 1 апрелидан то 2014 йилнинг 1 апрелигача бўлган даврда солиқларни ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлаб келаётган, шунингдек, ишлаб чиқариш суръатларининг барқарор ўсиши ва рентабеллигини таъминлаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг молия-хўжалик фаолиятини солиқ соҳасида текширишнинг таъқиқланиши, ушбу текшириш муддатларини қонун ҳужжатларида кўзда тутилган максимал муддатдан, яъни 30 календарь

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2011 йил 4 апрель. //Халқ сўзи, 2011 йил 5 апрель.

кунидан ортиқ муддатга узайтирилишига йўл қўйилмаслиги кабилар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4354-сонли Фармонига асосан кичик бизнес субъектларига кўплаб имтиёз ва шароитлар яратиб бериш кўзда тутилган. Биз қуйида уларнинг айримларини келтириб ўтамиз:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги ортиқча бюрократик тўсиқ ва ғовларга бериш, давлат бошқаруви функцияларини қисқартириш ва тадбиркорликка кўпроқ эркинлик бериш бўйича аниқ чора тадбирларни амалга ошириш, давлат бошқаруви органлари томонидан амалга оширилаётган турли рухсат бериш меъёрлари ҳамда чеклаш тартибларини кескин қисқартириш;

- тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат бошқаруви идоралари, солиқ ва назорат тузилмалари билан ўзаро муносабатларида очиклик ва шаффофликни таъминлаш, ҳисоботлар тизми ҳамда молия, солиқ ва статистика идораларига ҳисоботларни топшириш механизмини уларни электрон тизими бўйича тақдим этишга босқичма-босқич ўтиш орқали тубдан соддалаштириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига солиқ, божхона ҳамда бошқа тўловлар бўйича тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантириш ва унинг самарадорлигини оширишга кўмаклашадиган қўшимча имтиёз ҳамда преференциялар бериш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг тижорат банклари билан ўзаро ҳамкорлик механизмини янада такомиллаштириш ва соддалаштириш, тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, уларга ажратилаётган кредитлар, биринчи навбатда, янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этишга, мавжуд ишлаб чиқариш

кувватларини модернизация қилишга ва технология янгилашга йўналтириладиган узок муддатли кредитлар хажмини кўпайтириш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ташқи иқтисодий фаолиятда кенг иштирок этиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларнинг маҳсулотларини ташқи бозорларга олиб чиқишга кўмаклашиш, экспорт шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини ҳамда умуман божхона маъмуриятчилигини соддалаштириш ва либераллаштириш каби лар белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1604-сон Қарорида эса кичик бизнес субъектлари учун қуйидаги имтиёзлар берилган. Биз бу қарорда белгиланган вазифаларни ишмизнинг хажми нуқтаи назаридан келиб чиқиб фақат айримларига тўхталиб ўтамиз.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари товарларини экспорт қилиш бўйича «Ўзтадбиркорэкспорт» ихтисослаштирилган ташқи савдо компаниясининг асосий вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига уларнинг товарларини тўғридан-тўғри экспорт қилиш шартномалари бўйича, шунингдек хорижда ташкил этиладиган савдо уйлари орқали сотишда кўмаклашиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари маҳсулотларини экспорт қилишга доир амалдаги шартномалар гарови асосидан экспортдан олдинги молиялаштиришни ташкил этиш;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари буюртмаларига кўра республикада ишлаб чиқарилмайдиган технологик асбоб-ускуналар, эҳтиёт қисмлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материалларни етказиб бериш;

- экспорт маҳсулотларини сертификатлаштиришда кичик бизнес корхоналарига кўмаклашиш, реклама тадбирларини ўтказиш, халқаро

ярмаркалар ва кўргазмаларни ташкил этиш ва қатнашиш, манфаатдор кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ахборот ва маслаҳат хизматлари билан таъминлаш кабилар белгилаб берилган.

I-боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес корхоналари миллий иқтисодиётни ривожлантиришдаги ўрни, ривожланиш истикболлари, афзалликлари ва камчиликлари етакчи иқтисодчи олимлар томонидан алоҳида тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинган ва ушбу корхоналарнинг моҳияти очиб берилган. Шу жиҳатлардан келиб чиқиб, шунингдек, иқтисодиётнинг эркинлашувининг қўлай имкониятини вужудга келтиришда кичик бизнесни ривожлантиришнинг аҳамиятини инобатга олиб, Ўзбекистонда бу соҳани ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш ҳам зарурий хол, ҳам самарали йўл ҳисобланади. Шу сабабли бугунги кунда иқтисодиётнинг барча соҳаларида кичик бизнеснинг ривожланишига эришиш асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Бундан ташқари мамлакатимизда кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш ва тартибга солиш бўйича мустақкам қонуний база шакллантирилган бўлиб, бугунги кунда унинг амалдаги ижроси самарали таъминлаб келинмоқдв. Дараҳақиқат, юқорида кўриб ўтилган айрим меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифалар мамлакатимизда ушбу тармоқни ривожлантириш бўйича барча омилларни назарда тутганлигини кўришимиз мумкин.

Ушбу чора-тадбирлар орқали давлат ва назорат органларининг корхоналар молия-хўжалик фаолиятига аралашувини тубдан қисқартириш, текширишларни ташкил қилиш тизимини янада такомиллаштириш, шу асосда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кучайтиришнинг таъминланиши мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг жадаллашувига, барқарор иқтисодий

ўсиш суръатларининг таъминланишига аҳамиятли ҳисса қўшади. Албатта, мамлакатимизда кейинги йилларда кичик бизнесни ҳар томонлама ривожлантириш бўйича самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Ўз навбатида бундай чора тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда ЯИМ таркибида кичик бизнеснинг салмоғи ортиб бормоқда. Кўплаб маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишда кичик бизнесни улуши ортиб бормоқда.

II-боб. Кичик ва оилавий бизнес субъектларининг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги ўрни ва унинг таҳлили.

2.1 Кичик ва оилавий бизнес субъектлари ривожланишининг иқтисодий кўрсаткичлари ва унинг таҳлили

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги аҳамияти, унинг афзалликлари ва устуворликлари қуйидагилардан иборатдир: нисбатан кам маблағ сарфлаган ҳолда, янги иш ўринларини яратишга хизмат қилади; моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларини самарали тақсимланишига ижобий таъсир кўрсатади; жамиятда ижтимоий барқарорликни кафолатловчи – тадбиркорлар қатламини шакллантириб, иқтисодий жиҳатдан фаол бўлган аҳоли улушини кўпайтиради; ишлаб чиқаришга янги техника ва технологияларни қисқа муддатларда жалб этиб, моддий техника базасини мустаҳкамлашга замин яратади; соғлом рақобат муҳитини юзага келтириб, иқтисодиётнинг турли секторлари ўртасидаги ўзаро алоқаларни мустаҳкамлайди; истеъмол бозорини товарлар билан тўлдириш орқали бюджетга солиқ тушумлари ҳажминини ортиришга таъсир кўрсатади.

Бунинг нажаси ўлароқ мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу соҳа ривожланиб такомиллашиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда муҳим масала бу мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажмида унинг хиссасини оширишдир. Бу вазифа бугунги кунда тўла амалга ошмоқда. 2010 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 52,5%, 2011 йилда 54 % га ва 2012 йилда 54,6% га ўсди, ягона солиқ ставкаси эса 2010 йилдаги 7 фоиз, 2011 йилдаги 6 фоиздан 2012 йилда 5 фоизга туширилди. Бу эса ўз навбатида кичик бизнес корхоналари ихтиёрида қўшимча молиявий ресурслар шаклланишидан далолат беради (2.1-жадвал). Ҳолбуки, 2000 йилда бу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган эди. Бундай натижа биринчи навбатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётгани самарасидир. Маълумотлардан

кўриниб турибдики, таҳлил этилаётган даврда ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши йилдан-йилга ошиб борган, 2008 йилда бу кўрсаткич 48,2 фоизни ташкил этган бўлса 2011 йилга келиб 5,8 фоизли пунктга ошиб, 54,0 фоизга тенг бўлган.

2.1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг ва ягона солиқ тўловининг асосий ставкасининг ўзгариш динамикаси¹⁸

Йиллар	КБХТ ягона солиқ тўлови ставкаси	КБХТнинг ЯИМдаги улуши, %
2008	8	48,2
2009	8	50,1
2010	7	52,5
2011	6	54,0
2012	5	54,6

Бунинг асосий сабаби кичик корхона ва микрофирмалар учун ягона солиқ тўлови асосий ставкасининг 2008 йилдаги 8 фоиздан, 2011 йилда 6 фоизга туширилганлиги ҳамда 2011 йилни “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик” йилига бағишлаб қабул қилинган дастурнинг самарасидир.

Маълумки 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб кичик тадбиркорлик субъектлари учун даромадга нисбатан ҳисобланадиган Пенсия, Йўл ва Мактабни таълимини ривожлантириш жамғармасига мажбурий тўлов ҳамда ягона солиқ ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди.

Мамлакатимизда амалдаги қонунчилигига мувофиқ микрофирма ва кичик корхоналарни аниқлашнинг ягона мезони сифатида унда ишловчиларнинг ўртача йиллик сони асос қилиб олинган. Бунда ишловчиларнинг ўртача йиллик сонини ҳисоблашда ўриндошлик, пудрат шартномалари ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий тусдаги шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимларнинг, шунингдек шўъба корхоналарда, ваколатхоналар ва филиалларда ишлаётганларнинг сони ҳам ҳисобга

¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

олинади. Микрофирмалар ва кичик корхоналар мезонини аниқлашда корхонанинг асосий фаолият турига эътибор қаратилади.

Республикамизда корхоналарни ишловчилар сонига қараб таснифлашнинг меъёрий-ҳуқуқий базаси кичик корхоналар учун солиққа тортишнинг соддалаштирилган тартиби жорий этилган 1997 йилдан бошлаб такомиллаша борди. Ҳозирги пайтда 2000 йил 25 майда қабул қилинган “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисидаги” Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўзда тутилган кичик тадбиркорлик субъектлари мезонлари бунга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ушбу мезон бўйича талабга жавоб берадиган кичик корхоналар ва микрофирмалар солиқ қонунчилигига мувофиқ ихтиёрий равишда соддалаштирилган солиққа тортиш тартибига ўтишлари мумкин. 2006-2012 йилларда Республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда банд бўлган аҳоли сони 1954,8 кишига ортган, яъни бу соҳада фаолият юритаётган аҳоли сони 25 % га ортганлигини билдиради (2.2-жадвал).

2.2-жадвал.

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишининг асосий кўрсаткичлари¹⁹

Кўрсаткичлар	2006 й	2007 й	2008 й	2009 й	2010 й	2011 й	2012 й
КБХТ нинг ЯИМ даги улуши (%)	42,1	45,7	48,2	50,1	52,5	54,0	54,6
КБХТ да банд бўлган лар сони (минг киши)	7258,6	7762,8	8024,1	8402,3	8633,6	8913,5	9213,4
КБХТ ни иқтисодиётда банд бўлганларнинг умумий сонидagi улуши (%)	69,1	72,1	73,1	73,9	74,3	74,8	75,3
КБХТ да янги ташкил этилган иш ўринлари сони (минг ўрин)	425,5	285,4	313,5	391,8	480,0	520,0	510,0

¹⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди

Бугунги кунда саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик хиссани оширишнинг устивор йўналишлари сифатида йирик ишлаб чиқариш корхоналари билан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари ҳамкорлигини ривожлантириш бўлиб ҳисобланади. Буларга: ички пудрат муносабатлари, франчайзинг, венчурли молиялаштириш ва лизинг.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарининг сони жихатидан тармоқ таркибий тузилмаси билан унинг тармоқда ишлаб чиқараётган маҳсулот ҳажми бўйича кескин фарқни кузатиш мумкин. Қуйидаги 2.3-жадвал маълумотларининг далолат беришича кичик тадбиркорликнинг тузулмавий кўрсаткичлари яхшиланаётганлигини кузатиш мумкин. Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини тақсимланиши кўрадиган бўлсак, 2012 йилда саноатда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 22,2 % ни ташкил этиб, бу ҳолат 2000 йилга нисбатан 8,2 фоиз пунктга ошганлигини кўришимиз мумкин.

2.3-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши (%да)²⁰

Тармоқлар	2000 й.	2004 й.	2007 й	2011 й.	2012 й.
Саноат	14,0	10,1	12,9	21,0	22,2
Қишлоқ хўжалиги	73,6	81,1	97,5	97,9	98,0
Қурилиш	37,0	48,5	53,7	69,0	70,7
Чакана савдо айланмаси	45,3	42,2	47,2	47,0	45,3
Пуллик хизматлар	37,9	47,9	50,5	46,4	44,7

Бундан ташқари қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми юқори кўрсаткичлигича ўзгармай қолган, қурилиш ўтган йилда 69 фоизни ташкил қилиб 2007 йилга нисбатан 15,3 фоиз пунктга ошган, чакана савдо айланма ва пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса деярли ўзгармай

²⁰ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

қолганлигини кўришимиз мумкин. Аҳолига пулли хизматлар кўрсатиш бўйича ўсиш 13,3%ни ташкил қилди ва бу 2009 йилги даражадан 4,8 пунктга пастдир. Пулли хизматлар умумий ҳажмида кичик тадбиркорлик салмоғи 2009 йилдаги 49,1% ўрнига 48,7% ни ташкил қилди. Чакана товар айланмаси ва аҳолига пулли хизматлар кўрсатишнинг ўсиш суръатлари секинлашиши билан бирга бозорда истеъмол талаби ҳам пасайди. 2012 йилнинг тўққиз ойлик якунлари кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт-импорт ҳажми бўйича таҳлил қиладиган бўлсак, қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин. 2012 йилнинг январ-сентябр ойларида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 7836,8 млрд. сўмни ташкил этган шундан 32,3 фоизи хусусий сектор ҳисобига тўғри келган (2.4-жадвал).

2.4-жадвал

Республикамызда 2012 йилнинг январ-сентябр ойларида кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (хизмат, иш) ишлаб чиқариш ва экспорт-импорт ҳажми²¹

2012 январ-сентябр ойлари		
Тармоқлар	Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий секторнинг улуши, % ҳисобида
Саноат	7836,8	32,3
Қишлоқ хўжалиги	17700,1	100,0
Қурилиш	5673,1	76,6
Чакана савдо	11807,8	69,4
Пуллик хизмат	4186,5	82,2
Юк ташиш, млн.тн	366,8	75,8
Йўловчи ташиш, млн.киши	3912,7	94,5
Экспорт, минг АҚШ долл.	1651,9	5,9
Импорт, минг АҚШ долл.	3057,4	9,3

²¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

2011 йилда ҳам кичик тадбиркорлик субъектларининг махсулот (хизмат,иш) ишлаб чиқариш ва экспорт-импорт ҳажмини ошганлигини кўришимиз мумкин. 2010 йилда саноат махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 6568,8 млрд.сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2011 йилда 2173,9 млрд.сўмга ошиш ҳисобига 8742,7 млрд.сўмдан иборат бўлган (2.5-жадвал).

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2010 йилда қишлоқ хўжалиги махсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 15478,7 млрд.сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2011 йилда 3733,0 млрд. сўмга ошиш ҳисобига 19211,7 млрд.сўмдан иборат бўлган. 2010 йилда қурилиш соҳасида ҳам махсулот (хизмат,иш) ишлаб чиқариш ҳажми 4278,5 млрд.сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2011 йилда 2235,3 млрд.сўмга ошиш ҳисобига 6513,8 млрд.сўмдан иборат бўлган. Чакана савдода ҳам кичик бизнес субъектларининг махсулот (хизмат, иш) ҳажми ўсиш тенденцияси кузатилиб 2010 йилдаги 10820,9 млрд.сўмдан 2011 йилда 13295,0 млрд.сўмга ошган. 2010 йилда пуллик хизматда махсулот (хизмат,иш) ишлаб чиқариш ҳажми 3776,3 млрд.сўмни ташкил этган бўлса бу кўрсаткич 2011 йилда 1117,6 млрд.сўмга ошиш ҳисобига 4893,9 млрд.сўмдан иборат бўлган.

Жадвал маълумотларидан кўринадики, жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётган ҳозирги даврда ҳам мамлакимизда кичик бизнес корхоналарида экспорт ҳажми ўсиш тенденцияси кузатиб келинмоқда. Албатта, бу ҳолат мамлакатимизда кейинги йилларда ушбу соҳага Ҳукуматимиз томонидан берилаётган кенг имтиёзлар ва эътиборнинг ижобий самараси десак ҳам бўлади. 2010 йилда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилган экспорт ҳажми 1774,3 минг АҚШ долларни ташкил этган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 1102,3 минг АҚШ долларга ошганлиги ҳисобига 2827,6 минг АҚШ доллардан иборат бўлган.

Юқорида келтирилган фикр-мулоҳазаларимизга таянган ҳолда, КБХТ фаолиятини ривожланишни қўйидаги бешта босқичга бўлиб, тадқиқ этишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. *I босқич (1990-1995 йиллар)*. Мазкур босқичда эришилган илк натижа 1990 йилда Ўзбекистон Республикаси

Президенти Фармонига асосан барча ҳудудларда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида, шахсий томорқа участкаларини кенгайтириш мақсадида 2,5 миллион оила биринчи марта 550 минг г. ер участкаларига эга бўдилар.

2.5-жадвал

Республикамизда 2010-2011 йилларда кичик тадбиркорлик субъектларининг маҳсулот (хизмат, иш) ишлаб чиқариш ва экспорт-импорт ҳажми²²

2011 йил		
Тармоқлар	Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий секторнинг улуши, % ҳисобида
Саноат	8742,7	33,1
Қишлоқ хўжалиги	19211,7	100,0
Қурилиш	6513,8	71,6
Чакана савдо	13295,0	70,0
Пуллик хизмат	4893,9	92,1
Юк ташиш, млн.тн	483,3	76,5
Йўловчи ташиш, млн.киши	5077,4	95,2
Экспорт, минг АҚШ долл.	2827,6	3,3
Импорт, минг АҚШ долл.	3934,6	16,3
2010 йил		
Тармоқлар	Кичик тадбиркорлик субъектларининг ишлаб чиқарган маҳсулот (хизмат, иш) ҳажми, млрд.сўм	Кичик тадбиркорлик маҳсулоти (иш, хизмат) ҳажмида хусусий секторнинг улуши, % ҳисобида
Саноат	6568,8	33,2
Қишлоқ хўжалиги	15478,7	100,0
Қурилиш	4278,5	71,6
Чакана савдо	10820,9	73,8
Пуллик хизмат	3776,3	91,7
Юк ташиш, млн.тн	424,9	79,0
Йўловчи ташиш, млн.киши	4683,5	92,9
Экспорт, минг АҚШ долл.	1774,3	5,2
Импорт, минг АҚШ долл.	3223,7	16,8

²² Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Мулкчилик», «Корхоналар», «Кооперация», «Тадбиркорлик», «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари», «Монополистик фаолиятни чеклаш», «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш» тўғрисидаги қатор қонун ва қарорлар қабул қилинди, уларда аҳолининг онгида бозор муносабатларини шакллантириш ҳамда хусусий мулкчиликка эга бўлиш ҳис тўғрисидаги уйғотиш асосий вазифа сифатида белгиланди.

II босқич (1996-2000 йиллар). Мазкур йилларда фаолият юритаётган КБХТ субъектларини ривожланишига эришиш борасида янада кенг имкониятлар яратилиб, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларга нисбатан белгиланган имтиёзлар таркиби янада кенгайтирилди. КБХТ фаолиятини ҳудудларда янада такомиллаштиришга оид ҳуқуқий қафолатланган база яратилди ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилган ва хусусийлаштирилган мулкни, объектларни сотиб олишда юридик, жисмоний ва хорижий шахсларнинг маблағлари бўйича декларациялаш талаб этилмади ҳамда танлов асосида, хусусий мулкни сотиб олиш имконияти юзага келди. Оилавий асосда ташкил этилган микрофирмаларни ташкил этиш учун уларга миллий ҳамда хорижий валютада кредит бериш механизми жорий этилди. Ўзбекистон ҳудудида, халқ истеъмол товарларини ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган қўшма корхоналар устав фондида хорижий сармоя улуши 50% дан ортиқ бўлса, хорижий валютадаги тушумдан солиқ солишдан ҳамда шу корхоналарнинг Ўзбекистон Марказий банкида рўйхатга олинган пайтдан бошлаб беш йил муддатга мажбурий солиқдан озод қилинди.

III босқич (2001-2003 йй). Бу босқичда Президент Ислам Каримов томонидан КБХТ фаолиятини ривожланишига тўсқинлик қилувчи барча омиллар, улар фаолиятига асоссиз равишда аралашаётган, назорат қилаётган, турли баҳоналар билан тўсқинликни вужудга келтираётган ҳокимият идоралари, маҳаллий ташкилотларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини бартараф этиш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрдаги «Хусусий корхона тўғрисида» ги қонуни қабул қилинди. Мазкур

йилларда ҳудудлардаги КБХТнинг ишлаб чиқариш йўналишлари кенгайтирилиб, фаолият турлари кўпайтирилди, ҳудудларда фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш инфратузулмаси фаолиятларига катта эътибор қаратилди. Шунингдек, КБХТ фаолиятини такомиллаштиришга хизмат қилувчи қатор ҳуқуқий, ташкилий ва иқтисодий чора-тадбирлар комплекси ишлаб чиқилди.

IV босқич (2004-2008 й). Бу босқичнинг асосий хусусияти – барча ҳудудларда КБХТга давлат эътибори кучайтирилди. Айниқса, ишлаб чиқариш соҳаларида самарали фаолият юритаётганларга молиявий, иқтисодий, ҳуқуқий-ташкилий комплекс шарт-шароитлар яратилди. Республика ва маҳаллий ҳукуматлар билан тадбиркорлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муҳитини вужудга келишида, жаҳон мамлакатлари ва халқаро молия институтлари тажрибасида донорларнинг тадбиркорлик, ишбилармонлик муҳитини яхшилаш учун қўллаб-қувватлашга қаратилган халқаро ёрдами, иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ўсишини таъминлашга кўмаклашуви ҳам ошиб борди. 2005 йилдан бошлаб, кичик бизнесни солиққа тортиш тизимида тўпланган тажрибаларга таянган ҳолда, туб ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда кичик бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантириш, молиявий қўллаб-қувватлаш иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор вазифаси сифатида белгиланди.

V босқич (2009-йилдан ҳозирги кунга қадар). Бу босқичнинг хусусиятли томони шундаки, КБХТни янада жадал фаолият юритиши, уларни ташкил этишдаги жараёнларни такомиллаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майда “Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори қабул қилинди. Шунингдек, жаҳонда молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган пайтда, ўз вақтида шаклланган шарт-шароитни тўғри таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизда 2009-2012 йилларга мўлжаллаб “Инқирозга қарши чоралар” дастурининг қабул қилиниши

хукуматимиз томонидан амалга оширилган асосий стратегик тадбир бўлди. Дастурда корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш, иқтисодиётда реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари сифатида маҳсулот таннархини пасайтириш, экспортчи корхоналарга солиқлар бўйича имтиёзлар бериш, катъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтириш ва бу орқали улар фаолиятини рағбатлантириш каби вазифалар қўйилди. Мазкур дастур доирасида амалга оширилган тадбирлардан бири солиқ юкини енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилди.

Республикамизда 2011 йилда жами 35036 та кичик бизнес корхоналари ташкил этилган ҳамда 20432 та кичик бизнес корхоналари тугатилган (2.6-жадвал). Бунда энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига тўғри келган ҳолда 2012 йил 1 январ ҳолатига кўра кичик корхоналарнинг сони 37415 тани ташкил этган бўлиб, 2011 йилда ташкил этилганлари сони 6541 тани ҳамда тугатилганлари сони эса 5090 тани ташкил этган.

Қорақалпоғистон Республикасида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 11395 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 2123 тани ва тугатилганлари сони 997 тани ташкил этган. Андижон вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 21225 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 2601 тани ва тугатилганлари сони 726 тани ташкил этган. Бухоро вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 14038 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 1831 тани ва тугатилганлари сони 1765 тани ташкил этган. Жиззах вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 7723 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил

этилган корхоналар сони 1555 тани ва тугатилганлари сони 567 тани ташкил этган.

2.6-жадвал

2011 йилда Республикамиз ҳудудлари бўйича кичик корхона ва микрофирмаларнинг сони (фермер хўжаликларидан ташқари)²³

(та)

Худудлар	2012 йил 1 январ ҳолатига кўра рўйхатга олинган	2011 йил январ-декабр	
		Ташкил этилган	Тугатилган
1	2	3	4
Республика бўйича, жами	246441	35036	20432
Қорақалпоғистон Республикаси	11395	2123	997
Андижон вилояти	21225	2601	726
Бухоро вилояти	14038	1831	1765
Жиззах вилояти	7723	1555	567
Қашқадарё вилояти	48618	5369	1495
Навоий вилояти	6617	967	523
Наманган вилояти	14469	2112	803
Самарқанд вилояти	14890	2219	2132
Сурхондарё вилояти	11790	1612	1292
Сирдарё вилояти	6450	1123	758
Тошкент вилояти	20278	3117	990
Фарғона вилояти	20301	2641	1502
Хоразм вилояти	11232	1225	1792
Тошкент шаҳри	37415	6541	5090

Қашқадарё вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 48618 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 5369 тани ва тугатилганлари сони 1495 тани ташкил этган. Навоий вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 6617 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил

²³ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

этилган корхоналар сони 967 тани ва тугатилганлари сони 523 тани ташкил этган. Наманган вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 14469 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 2112 тани ва тугатилганлари сони 803 тани ташкил этган. Самарқанд вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 14890 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 2219 тани ва тугатилганлари сони 2132 тани ташкил этган.


Сурхондарё вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 11790 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 1612 тани ва тугатилганлари сони 1292 тани ташкил этган. Сирдарё вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 6450 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 1123 тани ва тугатилганлари сони 758 тани ташкил этган. Тошкент вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 20278 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 3117 тани ва тугатилганлари сони 990 тани ташкил этган. Фарғона вилоятида 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 20301 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 2641 тани ва тугатилганлари сони 1502 тани ташкил этган. Хоразм вилоятида эса 2012 йил 1 январ ҳолатига рўйхатга олинган корхоналар сони 11232 тадан иборат бўлиб, ҳисобот йилида янги ташкил этилган корхоналар сони 1225 тани ва тугатилганлари сони 1792 тани ташкил этган.

Юқоридаги таҳлил маълумотларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кейинги йилларда мамлакатимизда кичик корхоналар сони йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида ушбу соҳада иш билан банд бўлган аҳолининг сонини ҳам ортишига олиб келмоқда. 2012 йилда ҳам ушбу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга бўлиб, уларнинг қарийб ярми кичик корхоналар, микрофирмалар ташкил этиш, уй меҳнатининг барча

шакллари ривожлантириш, якка тартибдаги тадбиркорликни, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада ривожлантириш, уй-жойларни таъмирлаш ишлари кўламини кенгайтириш ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ҳисобидан яратилди.

2.2 Кичик ва оилавий бизнес субъектларини молиялаштириш механизми ва унинг амалдаги ҳолати таҳлили

Кичик ва оилавий бизнес субъектлари фаолиятини ривожлантиришнинг йўлларида бири, хўжалик фаолиятини молиялаш ва уни оптималлаштиришдан иборат ҳисобланади. Ишимизни биринчи бобда таъкидлаб ўтганимиздек, корхона менежерларининг асосий вазифаларидан бири корхонанинг жорий ва стратегик мақсадларини амалга оширишда керакли молиявий ресурслар билан таъминлаш ва улардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади. Кичик бизнес субъектларининг молиявий таъминот манбаларига қуйидагиларни киритиш мумкин (2.1-расм):



2.1-расм. Кичик бизнес субъектларининг молиявий таъминот манбалари²⁴

²⁴ Магистрант томонидан тайёрланди.

Молиявий ресурслар кичик бизнес субъектлари фаолиятини молиялашнинг асосий манбаларидан бўлиб ҳисобланади. Молиявий ресурслар корхоналарнинг ташкил қилувчи дастлабки манба қолаверса, доимий фаолиятини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ҳар қандай шаклдаги корхоналарнинг иккинчи томон билан юзага келадиган молиявий муносабатлари ва молиявий фаолиятлари молиявий ресурслар воситасида амалга оширилади. Молиявий менежернинг асосий вазифаларидан бири ҳам молиявий ресурслардан мақсадли ва самарали фойдаланган ҳолда корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминлашдан иборатдир.

Юқоридаги расм маълумотларини таҳлил қиладиган бўлсак, кичик бизнес корхоналарини асосий молиявий таъминот манбаларидан бири бу тижорат банкларининг кредитлари ҳисобланади. Кейинги йилларда мамлакатимизда кичик корхоналарнинг айнан ушбу таъминот манбалари ривожланиб йилдан йилга ўсиш тенденцияси кузатиб келинмоқда. Маълумки кичик бизнес субъектлари тараққиётининг асосий шартларидан бири улар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш бўлиб, бунда тижорат банкларининг кичик бизнес субъектларига ажратган кредитлари муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2006 йил 15 сентябрдаги 50-сонли “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонуни кичик бизнес субъектларини молиялаштиришда мустаҳкам замин яратди. Ушбу қонунга мувофиқ кредит ташкилотлари, жумладан банклар томонидан кичик бизнес субъектларига микрокредит, микроқарз, микролизинг бериш каби молиявий хизматлар кўрсатилади.

Микрокредитлар кичик бизнес субъектларига муайян мақсадларни амалга ошириш учун кредит ташкилотлари томонидан энг кам иш ҳақининг минг баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади. Микроқарз микрокредит ташкилотлари томонидан жисмоний шахсларга энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдоридан ошмайдиган суммада берилади. Микролизинг микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилот томонидан

лизинг олувчига энг кам иш ҳақининг икки минг баравари микдоридан ошмайдиган суммада берилади.

2012 йилда, тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига барча молиялаш манбалари ҳисобидан ажратилган кредитлар 2011 йилга нисбатан 1,3 баробарга ошиб, 5 трлн. 346 млрд. сўми ташкил этди. Ушбу ажратилган кредитларнинг 1 трлн. 172 млрд. сўми микрокредитлар бўлиб, уларнинг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 1,5 баробарга ўсди. (2.2-расм).



2.2 – расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига берилган кредитлар²⁵

Шунингдек:

- маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга жами 978,2 млрд. сўм;
- ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтиришга 1 трлн. 41,3 млрд. сўм;
- имтиёзли кредит бериш махсус жамғармаси ҳисобидан 42,3 млрд.сўм;

²⁵ www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг расмий сайти маълумотлари асосида тайёрланди.

- халқаро молиявий институтлар ва хорижий мамлакатлар ҳукуматларининг кредит линиялари ва грантлари ҳисобидан 181,7 млн. АҚШ доллари миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

“Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурида банк тизимига юклатилган вазифалар тўлиқ ижро этилди. Жумладан, 2012 йил мобайнида:

- оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантиришга 97,8 млрд. сўм;

- хотин-қизларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш мақсадларига 491,7 млрд. сўм;

- шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларига қорамол сотиб олишга жами 77,6 млрд. сўм;

- мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, паррандачилик, асаларичилик ва балиқчиликни ривожлантиришга 339,8 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Шу билан бирга, Халқ банки ҳамда Микрокредитбанк томонидан 2012 йилда Халқаро ҳамкорлик бўйича омонат кассалари жамғармасининг (Германия) “Хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш бўйича қайта тикланувчи кредит жамғармаси” маблағлари ҳисобидан Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сурхондарё, Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги тадбиркор аёлларга бошланғич капитални шакллантириш учун 267,8 минг евро миқдорида микрокредитлар ажратилди.


Мамлакатимизда кичик бизнес субъектларига кредитлар бераётган тижорат банкларининг асосийларидан бири ТИФ Миллий банки ҳисобланади. Миллий банк учун кичик ва хусусий бизнесни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг базавий тармоқларини молиялаш билан бир қаторда, фаолиятнинг сўзсиз устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Маҳаллий хом ашёни чуқур қайта ишлаш, юксак профессионал даражадаги меҳнат ресурсларидан фойдаланиш негизида ишлаб чиқаришларни ривожлантиришга ҳамда корхоналарнинг экспорт ва импорт салоҳиятини

оширишга йўналтирилувчи хорижий инвестицияларни жалб этиш молиялашнинг энг муҳим компоненти.

2010 йилда Миллий банк кичик бизнес субъектларига хорижий кредит йўналишларининг маблағлари ҳисобидан жамми 30,5 млн. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратди. Хусусан, Ислом Тараққиёт Банки (ИТБ) йўналиши бўйича асосан мамлакат хусусий ва кичик бизнес шубҳаси ривожланишини рағбатлантириш мақсадида Ўзмилийбанк томонидан жамми 11,1 млн. АҚШ долларини ташкил этадиган 5та лойиҳа молияланди. Ушбу йўналишнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унда кичик бизнес корхоналарини молиялашнинг Ўзмилийбанк учун мутлақо янги механизми – лизинг қўлланилади. ИТБ номидан лизинг бўйича турли товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга мўлжалланган машиналар ҳамда технологик ускуналар тақдим этилади. Лизинг операцияларидан ташқари, мазкур йўналиш доирасида пулини бўлиб-бўлиб тўлаш орқали сотиш механизми ва истисно қўлланилади.

Хитой Давлат Тараққиёт банкнинг (ХДТБ) иккинчи кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан умумий қиймати 16,8 млн. АҚШ долларини ташкил этувчи 37та лойиҳа молияланди. Жалб этилган маблағлардан самарали фойдаланиш ва потенциал қарз олувчилар учун қулайликлар яратиш мақсадида Ўзмилийбанк ўзининг барча бўлимлари учун мазкур кредит йўналиши маблағлари ҳисобидан кредитлаш лимитларини белгилади. Миллий банк билан ХДТБ ўртасида имзоланган Кредит битими шартларига мувофиқ, кредитлар саноат ҳамда ишлаб чиқариш қувватларини ёки компанияларни барпо этиш, модернизациялаш ва кенгайтиришга, жумладан импорт қилинадиган хом ашё ва материалларни сотиб олишга қаратилган лойиҳаларни молиялаш учун берилади.

Миллий банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитлар ҳажми ҳисобот даврида 471,2 млрд. сўмни ташкил этди (2.3-расм).



2.3-расм. ТИФ Миллий банки томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси²⁶ (млн.сўм)

Бюджетдан ташқари фондларнинг маблағлари ҳисобидан Миллий банк орқали берилган кредитлар ҳажми 2011 йил якунларига кўра 3,2 млрд. сўмни ташкил қилди. Барча кредитлаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига миллий валютада берилган кредитлар жорий йил бошидан буён 9,4 мингдан зиёд янги иш жойларини вужудга келтириш имконини берди.

2010 йил мобайнида Миллий банк якка тартибдаги тадбиркорлар, деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳамда юридик шахс мақомини олиб ва бундай мақом олмасдан фаолият юритаётган бошқа кичик бизнес субъектларига микрокредитлар ажратишда ҳам фаол қатнашди. Ушбу микрокредитлар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва қурилиш соҳаларини ривожлантиришга йўналтирилди. Миллий банк 01.01.2011 йилдаги ҳолатга кўра, кредитлашнинг барча манбалари ҳисобидан жами қарийб 31,5 млрд. сўмлик 7,2 мингдан кўпроқ микрокредитлар берди.

Ушбу хизмат турига айниқса қишлоқ жойларда талаб катта ва фермер ҳамда деҳқон хўжаликлари бу хизматдан бажонидил фойдаланмоқда.

²⁶ ТИФ Миллий банкнинг йиллик ҳисоботлари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамол туёғи кўпайишини рағбатлантириш мақсадида, Миллий банк томонидан 01.01.2011 йилдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 6,6 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди. Шу жумладан 5,9 млрд. сўмлик микрокредитлар банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан берилди.


Хўжаликларга ва якка тартибдаги тадбиркорларга берилган микрокредитлар, айниқса саноат марказларидан олисда жойлашган туманларда аҳолининг турмуш даражасини ошириб, оилавий бизнес ривожланишига ёрдам беради. Шу билан бир қаторда, микрокредитлар хунармандчилик ва миллий амалий санъат кўникмалари ҳамда анъаналарини сақлаб қолишда кўмаклашади. Фермер хўжаликларининг эҳтиёжлари учун ажратилаётган қарзлар қишлоқ жойларда янги иш жойларини ва мулкдорларнинг янги синфини вужудга келтириб, янгича турмуш тарзи ривожланишида ёрдам беради.

Чунончи, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, Миллий банк 01.01.2011 йилдаги ҳолатга кўра, барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 27,9 млрд.сўмлик кредитлар ажратди. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш учун Ўзмиллийбанк барча кредитлаш манбалари ҳисобидан 2,1 млрд. сўмлик кредитлар берди.

Тадқиқот ишида “микромолиялаш” тушунчасига: кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан микромолиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотлар ўртасидаги махсус молия-кредит ва ҳуқуқий муносабатлар микромолиялаш, деб тавсиф берилди. Лекин, бу сўнгги таъриф ҳисобланмайди, чунки микромолиялашни тадқиқ этиш жараёнида унинг янги белгилари ва хусусиятлари юзага чиқиши мумкин.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” фаолиятининг стратегик ривожланиш дастурига мувофиқ, ўз миқозлари таркибини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳисобига янада кўпайтириб бориш, уларнинг фаолиятларини молиявий воситалар асосида доимий қўллаб қувватлаш борасида иш ташкил этилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб қувватлаш мақсадида ажратилган банк кредитлари хажми ўтган йилга қараганда 20,6 млрд.сўмга ортиб 115,6 млрд.сўмни ташкил қилган. Натижада, кичик бизнес субъектларига барча манбалардан ажратилган кредитлар ҳисобига 4582 та ишчи ўринлари яратилиши таъминланди (2.4-расм).




2.4-расм. ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар таҳлили (млрд.сўм)²⁷

Банк филиаллари томонидан 2010 йилда аҳолининг фаол қисмига ўз бизнесини ташкил этишлари учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида 21,2 млрд.сўмлик микрокредитлар ажратилган бўлиб, бу кўрсаткич 2009 йил билан солиштирганда 6,5 млрд.сўмга ёки 44,4 фоизга ортган. Бу эса 2611 та янги кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларига ўз фаолиятларини йўлга қўйиш ва ривожлантириш имкониятларини яратди. Аҳолини истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжларини қондириш ва шу асосда истеъмол товарлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни молиявий-иқтисодий қўллаб қувватлаш мақсадида 2010

²⁷ Банкнинг йиллик молиявий ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

йилда ажратилган кредитлар миқдори 7,6 млрд. сўми ташкил этган. Бу эса ўз навбатида маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожланишида муҳим саналади.

2007-2012 йилларда тижорат банклари томонидан берилган микрокредитларнинг миқдори мунтазам равишда ўсган. Ушбу тенденция республикада кичик бизнес субъектларини микрокредитлаш давлат томонидан қўллаб-қувватланаётганлиги, микромолиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган алоҳида АТ “Микрокредитбанк” нинг ташкил этилганлиги каби омиллар билан изоҳланади. Мазкур банк томонидан биргина 2012 йил давомида кичик тадбиркорлик субъектларига 382 млрд.сўм миқдорида кредитлар ажратилган (2.5-расм).



2.5-расм. АТ “Микрокредитбанк” томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитлар динамикаси²⁸

Фикримизча, КБХТ субъектларини микромолиялаш ва уни ташкил этиш объектив иқтисодий қонуниятларга асосланиши лозим. Микромолиялаш тизимида молиявий муносабатлар базис сифатида катнашиб, бошқа қисмлар устқурма ҳисобланади. Микромолиявий муассасалар эса тизимнинг бошқа қисми сифатида катнашади, яъни у барча пул ва кредит оқимларини бошқариб туради. Микромолиялаш тизими

²⁸ Банкнинг йиллик ҳисобот маълумотлари асосида тайёрланди.

қуйидаги тўртта қисмни мужассамлаштира олгандагина яхлит ва объектив бўлади:

- микромолиявий муассасалар ва микромолиявий хизматлар кўрсатувчи инфратузилмалар;
- микромолиялаш тартиби;
- микромолиялаш йўналишлари ва объектлари;
- микромолиялаш манбалари ва усуллари.

Бу таркибий қисмлар ўзаро алоқадорликка эга ва бир бутунликни ифодалайди. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида микромолиялаш янгилик ҳисобланса-да, ундан аҳолининг иқтисодий фаол қатламини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадларида фойдаланилмоқда. Шунингдек, соҳа ривожини таъминлашда халқаро ёки хорижий молиявий ташкилотлар маблағларини жалб қилишга қаратилмоқда. Микромолиялаш хусусиятларига кўра, юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларининг микромолиявий хизматлардан фойдаланиш манбалари ва миқдори бир мунча юқоридир. Буни 7-жадвал маълумотларидан кўриш мумкин.

Ўзбекистонда КБХТ фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан қатор чора - тадбирларни амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, йиллар давомида КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, ишчи кучидан самарали фойдаланиб, бандлик муаммосининг бартараф этилиши, инфратузилмаларни ривожлантириш юзасидан тадбирлар тизими ишлаб чиқиши устувор вазифага айланди. Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишига илғор тараққий этган мамлакатлар тажрибаларидан самарали фойдаланиш ва уларнинг ижобий таътибқ этиш мақсадга мувофиқ. Бу борада тараққий этган мамлакатлар илғор тажрибасидан фойдаланиб, аутсорсинг корхоналарини ташкил этиш ва улар фаолиятини давлат томонидан рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

**Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини
микромолиялаш хусусиятлари²⁹**

Микромо лиявий хизматлар кўрсатувчи ташкilot лар	Микромолиявий хизматлар				
	тури	суммаси	фоиз ставкаси	муддати	алоҳида шартлар ва имтиёзлар
Юридик шахс мақомига эга бўлган тадбиркорлик субъектлари					
Микрокредитбанк	бошланғич сармояни шакллантиришга йўналтирилган микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорида	йиллик 3,0%	18 ойгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтканга 6 ойдан ошмаслиги лозим
	фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларни тўлдиришга микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 500 баробаригача миқдорида	йиллик 7,0%	24 ойгача	
	имтиёзли микролизинг хизматлари	энг кам иш ҳақининг 2000 баробаригача миқдорида	йиллик 5,0%	3 йилгача	
Тижора т банклари	бошланғич сармояни шакллантиришга қаратилган микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 300 баробаригача миқдорида	йиллик 2,3%	18 ойгача	50 фоизи нақд пул шаклида
	ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва фаолиятини ривожлантириш	10000 АҚШ долл. миқдорида	йиллик 4,7%	2 йилгача	
Дехкон ва фермер хўжалиқларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	бошланғич сармояни шакллантиришга микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 150 баробаригача миқдорида	йиллик 2,3%	3 йилгача	тадбиркорлик субъектларининг давлат рўйхатидан ўтканга 6 ойдан ошмаслиги
Юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлик субъектлари					
Микро кредит банк	бошланғич сармояни шакллантиришга микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 50 баробаригача миқдорида	йиллик 3,0%	18 ойгача	6 ойдан ошмаган бўлиши керак
Тижора т банклари	чорвачиликни ривожлантиришга микрокредитлар	энг кам иш ҳақининг 80 баробаригача миқдорида	йиллик 14%	3 йилгача	кам таъминланган оилаларга, нақд пул шаклида
	ишлаб чиқаришни ривожлан тириш ва фаолиятини кенгай тиришга микрокредитлар	5000 АҚШ долл. Микдорида	йиллик 4,7%%	2 йилгача	50 фоизи нақд пул шаклида

²⁹ Тадқиқот натижалари асосида магистрант томонидан тайёрланди.

Айнан шундай инновацион характерга эга бўлган корхоналарни шакллантириш орқали КБХТ фаолиятини рағбатлантириш, самарадорлигини оширишга эришиш мумкин. Ишлаб чиқариш фаолияти билан боғлиқ аутсорсинг хизматлари биринчидан, рақобат бозорига чиқиш ва янги информацион технологиялар ривожланиш жараёнида маҳсулот (иш, хизмат)ларнинг янги турларини яратишга, иккинчидан, ишлаб чиқариш жараёни эгилувчанлигини кучайтириб, маҳсулотлар диверсификациясини амалга оширишга, учинчидан, нисбатан кам харажатлар сарфлаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритишга хизмат қилиши мумкин. Шунингдек, янги ахборот технологияларнинг жадал суръатлар билан ривожланиши кузатилаётган жаҳон иқтисодиёти глобаллашув шароитида улардан фойдаланиш имкониятларининг нисбатан чекланганлиги ташқи бозорга чиқишга, корхоналар ўртасидаги рақобатбардошликнинг камайишига олиб келаётганлигини кузатиш мумкин. Шунинг учун минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиб, IT-аутсорсинг бозорини шакллантиришни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Бу эса, вилоятларнинг иқтисодий технологик қуролланиш даражасини юксалтиришга, молиявий жиҳатдан ресурслари чекланган КБХТ субъектларини IT-технология ресурсларидан самарали фойдаланишга бўлган этиёжларини тўлиқроқ ҳамда нисбатан арзонроқ қондиришга хизмат қилади.

II-боб бўйича хулоса

Кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолияти рақобатбардошлигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашга қуйидаги омиллар бевосита таъсир кўрсатади: кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектлари самарали фаолият юритишида маҳаллий, табиий хом - ашё ресурсларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, молиявий, ташкилий–ҳуқуқий кафолатлаш тизимини такомиллаштириш; фаолиятни оптимал бошқариш, харажатларини минималлаштириш ва даромадларини максималлаштиришга эришиш; иқтисодий фаолиятни молиялаштиришда лизингдан фойдаланиш

имкониятларини янада кенгайтириш; фаолият самарадорлигини ошириш мақсадида ҳудудлар салоҳиятини инобатга олган ҳолда комплекс чоратadbирларни ишлаб чиқиш ва фаол инвестицион сиёсат юритишдир. Давлатнинг кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти мазкур салбий оқибатларни бартараф этишга йўналтирилиши зарур.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида шаклланган ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитлар, ҳудудларнинг ўзига хос хусусиятлари, моддий ва номоддий ресурсларнинг нотекис тақсимланганлиги, ривожланишнинг ўзига хослиги ва эришилган амалий тажрибалар КБХТ фаолияти ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватланишини қуйидаги бешта босқичга бўлиш имконини берди: I-босқич 1990-1995 йй., II-босқич 1996-2000 йй., III-босқич 2001-2003 йй., IV-босқич 2004-2008 йй., V-босқич 2009-йилдан ҳозирги давргача.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳозирги босқичида КБХТ фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг маъмурий ва иқтисодий дастакларини уйғунлаштириш ҳамда мавжуд механизминини такомиллаштиришда қуйи ҳудудий бошқарув бўғинларига устуворлик бериш мақсадга мувофиқдир.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ҳулоса сифатида таъкидлашимиз мумкинки, мамлакатимиз тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлашлар улар тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Амалга оширилган таҳлил натижаларидан кўринадикки, мамлакатимизда фаолият юритаётган йирик банklar томонидан кичик ва оилавий тадбиркорликни молиявий таъминотини мустаҳкамлаш борасида кўплаб ижобий ишлар амалга оширилган бўлиб, ушбу кўрсаткичлар тенденцияси йил сайин ўсиб бораётганлигини таъкидлашимиз мумкин.

III-боб. Кичик ва оилавий бизнеснинг иқтисодий тараққиётдаги аҳамиятини ошириш йўллари.

3.1 Кичик бизнес субъектлари фаолиятини бошқаришнинг хорижий давлатлар тажрибаси ва улардан самарали фойдаланиш истиқболлари

Маълумки, бизнес товарлар (хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва бу жараёнда иштирок этувчи манфаатдор иштирокчилар ўртасидаги муносабатни тавсифлайди. Бизнеснинг умумий белгилари: фойда олиш учун хўжалик соҳасида фаолият юритиш; иқтисодий эркинлик; фаолиятнинг инновацион ва таваккалчилик характериға эгаллиги. Тадбиркорликни бизнеснинг юқори шакли сифатида қараш мумкин. Кичик бизнес ижтимоий-иқтисодий категория сифатида, одатда, тадбиркор-мулкдорға хос бўлган ўзига хос фаолият тури бўлиб, инновацион, таваккалчилик ва тўла иқтисодий жавобгарлик асосида бирор-бир товар ва хизматларға бўлган эҳтиёжни қондириш орқали фойда кўриш мақсадида ижтимоий-иқтисодий шароитлар ва ресурслардан самаралироқ фойдаланиш жараёнида намоён бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан барқарорликка эришишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини ошириб боришни таъминлашда бозор муносабатлари қарор топган ривожланган мамлакатлар тажрибаларининг ижобий жиҳатларидан фойдаланиш муҳим бўлиб ҳисобланади.

Таъкидлаш керакки, деярли барча ривожланган мамлакатлар иқтисодий сиёсатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришға асосий эътибор қаратилиб, тараққиётнинг асосий омили сифатида эътироф этилган. Жаҳон амалиёт тажрибалари кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг қатор ижтимоий-иқтисодий хусусиятлари билан иқтисодиётда салмоқли ўрин эгаллаши, соғлом рақобат муҳитини вужудға келтириши, хусусий корхоналар фаолиятида тадбиркорликнинг шаклланиши, бозордаги талаб ва таклифға самарали таъсир кўрсатиши, аҳоли ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондириш орқали ўзининг катта салоҳиятға эга эканлигини намоён қилмоқда.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналари ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш даражаси ўсишининг ва аҳоли бандлигини таъминлашнинг муҳим манбаи ҳисобланади. Жаҳонда, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушига банд аҳолининг қарийб 50 фоизи ва ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 50-60 фоизи тўғри келади. Жумладан, 2010 йилда кичик ва ўрта корхоналарнинг ЯИМ даги улуши Буюк Британияда 65-70 фоизни, АҚШда 50-52 фоизни, Европа Иттифоқи мамлакатларида 63-67 фоизни ва Италияда 57-60 фоизни ташкил қилган. Кичик ва ўрта корхоналар айниқса АҚШ, Италия ва Японияда кенг ривожланган.

Америка Қўшма Штатларида 2011 йилда 22,7 млн. та кичик ва ўрта корхоналар қайд қилинган бўлиб, ҳар 1000 нафар аҳоли ҳисобига ўртача 77,8 та корхона тўғри келади. Ёки, мамлакатда иш билан банд аҳолининг 56 фоизи ушбу соҳада фаолият юритади. Японияда иш билан банд аҳолининг 78 фоизи, Италияда 73 фоиз ва ЕИ давлатларида эса 72 фоизи айнан кичик ва ўрта корхоналарда фаолият кўрсатади.

Ривожланган давлатларда кичик корхоналарнинг асосий ўлчами бўлиб маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва ишчилар сони ҳисобланади. Ўз навбатида, “кичик бизнес” тушунчаси одатда иқтисодиётдаги ўрта ва аксарият ҳолларда кичик корхоналар мажмуини ифодалашда қўлланилади. Ўз навбатида “кичик бизнес” атамаси асосан инглиз тилида гаплашувчи мамлакатларга хос бўлиб, Франция, Германия, Япония ва бошқа мамлакатларда улар “майда ва ўрта корхоналар” атамаси орқали ифодаланади.

Кичик бизнеснинг турли мамлакатлардаги фарқи нафақат атамашунослик соҳасига балки, унинг миқёсларини белгилаш мезонларига ҳам тааллуқли бўлиб, улар асосан сифат кўрсаткичларига нисбатан кам фарқланади. Бинобарин, бу тушунчанинг бугунги кунга қадар ягона бир тўхтамга келган таърифи мавжуд эмас. Масалан, жаҳоннинг 75 мамлакатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тавсифловчи 50 дан зиёд турли статистик кўрсаткичлар қўлланилади. Жумладан, АҚШ да кичик бизнес ишлари бўйича Маъмурият томонидан мазкур тоифага ишлаб чиқариш воситаларига мустақил

равишда эгалик қилувчи ва уларни бошқарувчи, тармоқда ҳукмрон мавқеига эга бўлмаган, 500 тагача ишчи фаолият юритаётган корхоналар киритилган.

АҚШ нинг кичик бизнес ишлари бўйича маъмурияти томонидан кичик корхоналар ўлчамини белгилайдиган алоҳида каталог ишлаб чиқилган. Бу ерда кичик бизнес субъектларининг тармоқ йўналиши, маълум вақт ичида ўртача йиллик даромад (тармоқларга боғлиқ ҳолда-охирги 12 ойда, 3 хўжалик-молиявий йил бўйича) кўрсаткичлари ҳисобга олинган. Одатда, мустақил эгалик қилинадиган ва бошқариладиган, тармоқда устуворлик қилмайдиган ва 500 тагача ишчи ёллайдиган фирмалар кичик корхоналар ҳисобланади. Айрим тармоқлар бўйича ўлчов сифатида ишчиларнинг ўртача сони, истеъмолчиларнинг ўртача сони ва шунга ўхшаш бошқа кўрсаткичлар хизмат қилади. Савдодаги фирмаларнинг сўнги 3 йилдаги молиявий хўжалик фаолиятидаги ўртача йиллик даромади 5 млн. доллардан ошмаган бўлса улар кичик ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида эса кичик корхоналар бўлиб, охирги 3 йилдаги ўртача йиллик даромади 500 минг доллардан ошмаган фермер хўжаликлари ҳисобланади. Фақат бу ўлчам йирик шохли қорамолчиликда-1,5 млн. долларни ва парандачилик йўналишида тухум ишлаб чиқаришда 9 млн. долларни ташкил қилади.

Ўз навбатида кичик бизнес миқёсларини белгилашда капитал қўйиш соҳаси-тармоқлар хусусияти инобатга олинishi ҳам табиий ҳолдир. Чунки, иқтисодиётни барча тармоқлари ўзларининг жонли меҳнат сарфи, ишлаб чиқариш жараёнларини механизациялаш даражаси ва бошқалар билан фарқланади. Шунга кўра, меҳнат сиғими юқори бўлган қайта ишлаш саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳалари учун йирик корхона ҳисобланиши шубҳасиздир. Бундай ҳолат деярли барча мамлакатларда эътиборга олинади. Масалан, Японияда кичик корхоналар мақомини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларга амал қилиш қабул қилинган. Яъни:

- капитал ҳажми;
- ишловчилар сони;
- қайси тармоққа мансублиги.

Японияда ишлов бериш ва тоғ-кон саноатида ишловчилар сони 20 тагача бўлган, улгуржи савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида 5 тагача бўлган корхоналар жуда майда корхоналар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи тармоқлардаги кичик корхоналар гуруҳи алоҳида ажралиб туради. Яъни, кичик корхоналарда ишловчилар сони 50 кишигача бўлиши лозим. Япониядаги кичик корхоналар мақомини аниқлашга бундай ёндашиш, бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги туфайли диққатга сазовордир. Унинг эътиборга лойиқ томонларидан бири шундаки, сонлар яъни миқдор кўрсаткичлари эмас, балки уларни танлаб олиш тамойили асосий кўрсаткич ҳисобланади.

Японияда муайян меъёрий ҳужжатларда корхона ўлчами эмас, балки унинг бозор иқтисодиёти шароитида давлат ёрдамисиз фаолият кўрсата олиши муҳим ҳисобланади.

Европа давлатларида ҳам кўплаб ҳунармандчилик корхоналари мавжуд бўлиб, улар мақоми қонунчилик асосида белгилаб берилган. Масалан, Францияда кичик ва ўрта тадбиркорларнинг умумий конфедерацияси томонидан мулкдаги капиталнинг катта қисми корхона эгасига тегишли бўлган, ишчиларга шахсан раҳбарлик ҳамда доимий ва бевосита алоқани таъминлаган, 10 тадан 50 тагача ишчига эга корхоналар кичик бизнес субъектлари қаторига, 50 дан 500 тагача ишчига эга корхоналар ўрта бизнес субъектлари қаторига, ишловчилар сони мулк эгасини, оила аъзоларини ва ёлланма ишчилар ҳамда шогирдларни ҳисобга олган ҳолда 10 тадан ошмаган корхоналарни эса ҳунармандчилик корхоналари қаторига киритилган.

Ҳунармандлар ва кичик корхоналар ўртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, ҳунарманд ўз ишлаб чиқаришида ишчи сифатида қатнашиши лозим. Давлат, ҳунармандчилик корхоналарига бошқа корхоналарга нисбатан кўпроқ имтиёзлар беради, шунинг учун ҳам улар ўз ишлаб чиқаришини кенгайтиришни хоҳлашмайди ва аксинча майда тадбиркорлар сифатида фаолият юритишни маъқул кўришади. Дунё мамлакатлари ўртасида кичик

бизнес ва хусусий тадбиркорлик турли хил шаклланиш ва ривожланиш жараёнларига эга.

Амалиёт тажрибаларининг кўрсатишича, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг икки омили мавжуд бўлиб, уларнинг биринчиси, уларни ташкил қилиш ва мақомини белгилаш, иккинчиси эса кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан олганда, ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта корхоналарни рағбатлантириш тизимини таҳлил қилиш ва хулосалар чиқариш муҳим аҳамият касб этади. Яъни, АҚШда йирик компаниялардан фарқли равишда кичик корхоналар қарз сармоясига эмас, балки, асосан ўз маблағларига таянади. Шундай бўлсада, тез ривожланаётган фирмалар жалб қилинадиган маблағлар ҳисобига қисман молияланишга эҳтиёж сезади.

АҚШ Конгресси томонидан 1953 йилда ташкил этилган «Кичик тадбиркорлик ишлари маъмурияти» кичик корхоналарнинг кредитлар ва кафолатли қарзлар олишига катта ёрдам бермоқда. Бу муассаса бепул ахборот хизматлари кўрсатибгина қолмай, кичик корхоналарга молиявий маблағлар тақдим этишда турли ташкилотлар манфаатдорлигини ошириш мақсадида кредиторларга қарз сармоясининг 90 фоизигача миқдорда давлат кафолатларини беради. Фақатгина ҳарбий кучлар фахрийлари ёки кичик миллат вакиллари бўлган тадбиркорлар, шунингдек, ишсизлик даражаси юқори бўлган ҳудудларда жойлашган корхоналар ушбу ташкилотдан кредит олишга ҳақлидир.

Кичик тадбиркорлик ишлари маъмурияти федерал бюджет ҳисобидан маблағ билан таъминланади. 2011 йилда бу йўналиш бўйича ажратмалар 21,7 млрд. АҚШ долларни ташкил қилган, бу 2000 йилга қараганда 18 фоизга кўпдир. Бу маблағнинг 79 фоизи банк орқали оддий йўл билан кредит олиш имконига эга бўлмаган янги очилаётган кичик корхоналар учун кафолатлар беришга сарфланган. Қарз муддатлари, мақсади ва миқдоридан келиб чиқиб, 750 минг доллардан ортиқ бўлмаса, умумий сумманинг 75 фоизи, 100 мингдан ортиқ бўлмаса, 80 фоизи миқдорида кафолат берилади. Бунда

айланма сармояси учун 10 йилгача, асосий сармоя учун 25 йилгача кафолат берилади. Фоиз ставкаси қарз миқдорининг 2,75 фоизидан ортмаслиги лозим.

Фаолият юритаётган корхоналарни кенгайтириш ва замонавийлаштириш «Кичик тадбиркорлик ишлари маъмурияти» фаолиятининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Бу қарз суммаси 1 млн. АҚШ долларидан ошмаса, қарз умумий суммасининг 40 фоизи миқдорида агентлик кафолати асосида қўчмас мулк, ускуналар, технологиялар харид қилиш учун белгиланган ставкали узоқ муддатли кредитлар беришни ўз ичига олади. Мазкур дастур бажариладиган хизматларнинг таннари пастлиги билан изоҳланади ва ускуналарни излаш ва харид қилиш, имкон борича паст нархларда қурилиш ишларини амалга оширишда қўшимча ёрдам берилишини назарда тутди. Унга маъмурият умумий бюджетнинг 19,6 фоизигача бўлган миқдорда ажратилади.

Бундан ташқари, «Кичик тадбиркорлик ишлари маъмурияти» икки ва кўпроқ компания ташаббускорлиги билан ташкил этилаётган кичик корхоналарни молиялаш билан шуғулланади. АҚШда штатлар ва хатто, муайян ташкилотлар даражасида кичик тадбиркорликка маблағ жалб қилишга қўмаклашадиган дастурларни яратиш кенг тарқалган.

Буюк Британияда, кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг асосий ҳукумат дастури “Loon Quarantie Scheme” ҳисобланади. Бу дастур тижорат банкларидан мустақил равишда кредит ололмайдиган тадбиркорлик турларига кредит олиш имконини беради. Бунда ҳукумат 70 фоизгача, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 85 фоизгача маблағ қайтмаслигини кафолатлайди. Бундай кафолатда фоиз ставкаси йилига 2,5 фоизни, хатар мавжуд бўлган жойларда эса 2 фоизни ташкил этади. Шу тариқа, банклар томонидан кичик тадбиркорликка тақдим этиладиган кредитларнинг 70-80 фоизи ҳукумат томонидан кафолатланади. Бу кафолатларни қоплаш учун ҳар йили бюджетдан ўртача 50 млн. фунт стерлинг ажратилади.

“Маҳаллий аҳамиятдаги корхоналарга қўмаклашиш агентлиги” кичик корхоналарни ҳудудий қўллаб-қувватлайдиган 200 та мустақил бюродан иборат ассоциациядир. Унинг “Корхоналарни ташкил этишга қўмаклашиш схемаси”

дастури, ўз фирмаси ёки корхонасини очишни хоҳлаган ишсизларга молиявий ёрдам беради. Бошқа дастур – “Кредитларни кафолатлаш” дастурига мувофиқ, уч йил мобайнида муваффақиятли фаолият олиб борган тадбиркорларга суғурта мукофотлари берилади.

XX асрнинг тўқсонинчи йиллардан бошлаб, Британия саноат конфедерацияси “Тадбиркорларни кенгайтириш дастури”ни амалга оширмоқда. Унда кичик тадбиркорлик билан амалий муносабатлар ўрнатган ва унинг ривожланишидан манфаатдор ҳукукий ва жисмоний шахслардан олинadиган махсус бадал кичик корхоналарни молиялашнинг қўшимча манбаи ҳисобланади. Шунингдек, жойларда кичик тадбиркорликни ривожлантириш учун ҳудудий (махаллий) ҳукуматнинг молиявий қўллаб-қувватлашини таъминлайдиган, ҳамда, ўз ишини ташкил этиш ёки кенгайтиришда ёшларга қўмаклашадиган, кичик тадбиркорлик соҳасида тадбиркорларни тайёрлайдиган махсус дастурлар мавжуд. Бироқ, хусусий жамғармалар ва банк кредитлари кичик бизнес субъектларини молиялаштиришнинг асосий манбалари бўлиб қолмоқда. Саксонинчи йиллар бошида фонд биржасида рўйхатга олинмаган, лекин кичик тадбиркорликни молиявий ресурслар билан таъминлашда муҳим аҳамият касб этадиган компаниялар қимматли қоғозлари шаклланди. Кичик тадбиркорлик корхоналарини молиялаштирадиган махсус фирмалар ҳам кенг тарқала бошлади. Европада ҳатарли сармоя соҳасидаги сармоя қўйишнинг 40 фоизи улар улушига тўғри келади.

Бундан ташқари, кредит сиёсатида кичик тадбиркорликка кўп эътибор қаратадиган ҳар бир банк ўзига хос шахсий кредитлаш тизимини яратишга интилади. Масалан, “Барклея банк”да янги кичик корхоналар ташкил этилишини ва фаолият юритаётганларини кенгайтиришни молиялайдиган иккита дастур ишлаб чиқилган. Биринчисига кўра, кредит миқдори 5 мингдан 100 мингача фунт стерлинг бўлиши мумкин, бу 5 йил муддатга берилади. Банк кредит суммасидан эмас, фирманинг йиллик айланма маблағидан йилига 15-17 фоиз олади. Иккинчи дастурга кўра, асосий ускуналарни харид қилиш учун 2 йилдан 20 йилгача муддатга 5 мингдан 500 минг фунт стерлингача бўлган

миқдорда кредит ажратилади. Фоиз ставкаси Англия Банкнинг амалдаги ставкасига мувофиқ ёки банкнинг ўзи томонидан белгиланади.

Буюк Британия тадбиркорлик сирлари ўқитилувчи бешта асосий мактабда давлат томонидан молиялаштирилувчи “Янги корхона” умуммиллий дастурга амал қилади. Аксарият нуфузли университет бизнес мактабларининг тингловчилари иқтисодиётнинг умумий муаммолари ҳамда шахсий ишни ташкил этиш асосларини ўрганади. Одатда бундай дастурлар оз вақт давом этади. Масалан, Лондондаги бизнес мактабида ушбу дастурлар бўйича таҳсил 16 ҳафта давом этади, шундан 4-6 ҳафтаси бизнес иқтисодиёти умумий муаммоларини жадал ўрганишга қаратилса, 10-12 ҳафта шахсий ишни йўлга қўйишга бағишланади. Ўқитиш ҳақи 4 минг фунт стерлингдан иборат бўлиб, барча сарф-харажатларни қоплайди (ҳомийлар ёрдам беради).

Ҳар йили бундай мактабларни 200 нафар битирувчи тамомлайди. Университет техник олий ўқув юртлари, ҳудудий бошқарув марказлари ва хусусий маслаҳат фирмаларда 6-10 ҳафталик ўқиш давомийлигига эга “кичик бизнес” курслари мавжуд. Кичик тадбиркорлик учун мутахассислар тайёрлаш бўйича курслар ҳукумат агентликлари ҳисобидан молиялаштирилади. 1992 йилдан Буюк Британияда “очиқ университет бизнес мактаби” фаолият бошлайди. Тингловчилар ўзлари учун қулай вақтда қатнаши мумкин бўлган ушбу кечки курслар “Барклеиз бенк”, ва “Ички” компаниялари томонидан молиялаштирилади. Курсда ўқиш ҳақи 350 фунт стерлинг. Ўқув дастури ўз ичига маркетинг, бошқарувнинг ташкилий масалалари, молия стратегиясини олган. Ҳукумат бизнес билан қўшимча тарзда шуғулланувчи мактаб ўқувчилари ва талабаларни қўллаб-қувватлайди, хорижда бизнес соҳасини ўрганувчи талабаларга стипендия ажратади.

Ҳозирги пайтда Британия ҳукуматининг жиддий қўллаб-қувватлашига қарамай, кичик корхоналар кўпинча инқрозга учрамоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири ўзаро тўловларнинг вақтида амалга оширилмаслигидир. Чунки Буюк Британияда Ғарбий Европадаги энг номукаммал ҳисоб-китоблар

тизими амал қилади. Яъни, қонун томонидан тўловларни уч ойгача ушлаб туришга рухсат берилади.

Италияда кичик корхоналарни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тадбирлари орасида мақсадли молиялаш ва имтиёзли кредитлаш алоҳида ўрин тутди. Ҳар йили бунга қарийб 600 млрд. евро сарфланади. Италияда сўнгги йилларда юқори хавф-хатар билан боғлиқ бўлган капиталга эришиш имконияти бор корхоналарни молиялаштиришга қизиқиш ортди. Шу мақсадда кичик корхоналарнинг ёпиқ турдаги инвестиция фондлари ташкил этилди. Бундай фондлар биржада рўйхатдан ўтмаган корхоналарга маблағларини қўядилар. Фонднинг капитали давлат облигацияси кўринишида инвестиция қилиниши мумкин эмас. Шунингдек, бошқа ёпиқ фондлар томонидан чиқарилган акцияларга инвестиция қилиш ҳам тақиқланади. Фондда ўз акцияларининг улушига эга бўлган компанияларнинг акцияларини сотишдан фойда олиш ёпиқ фонднинг мақсади ҳисобланади.

Кўп ҳолларда бундай молиялаш имтиёзли солиққа тортиш кичик корхоналарни бирлаштирадиган консорциумлар ва ширкатларга нисбатан қўлланилади. Битта консорциум таъминланадиган маблағ миқдори йилига 300 млн. евродан ёки уч йил мобайнида 800 млн. евродан ортиқ бўлмаслиги лозим. Таркибига сармояси 20 млн. евродан кам бўлмаган камида 5 та корхона кирган бирлашмаларга махсус ёрдам кўрсатилади. Бундай уюшмаларнинг асосий вазифаси ўз қатнашчилари ривожланишига кўмаклашишдан иборат.

Имтиёзли кредитлаш 40 фоизгача харажатни коплаши мумкин. Янги корхоналарни ташкил этишда кредитлар 15 йил муддатга, фаолият юритаётган корхоналарни замонавийлаштириш ёки кенгайтиришда 10 йил муддатга берилади. Бунда фоиз ставкаси кредит миқдорини ҳисобга олган ҳолда, бозор фоиз ставкасининг 36-60 фоизини ташкил этади.

Давлат кредитлаш муассасалари кичик корхоналар билан бирга уларнинг турли бирлашмаларига ўрта муддатли кредитлар беришда имтиёзли фоиз ставкалари таклиф этади. Масалан, консорциумлар кредитларни фоиз ставкаси

бозор қийматининг 60 фоизини тўлаган ҳолда қайтаради. Венчур тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида “кичик корхоналар ёпик инвестиция фонди” ташкил этилган. У фақат биржада рўйхатга олинмаган корхоналарга маблағ беришга ҳақли. Фонд сармояси давлат облигациялари ёки бошқа ёпик фондлар акцияларига инвестицияланиши мумкин эмас. Бу ҳолда фонд улуши иштирокида таъсис этилган компаниялар акцияларини сотиш фойда олишнинг асосий манбаи бўлади.

Кичик тадбиркорларга алоҳида имтиёзли кредитлар тақдим этилади. Улар ташкил этаётган корхоналар қўшимча молиявий афзалликларга эга бўлади. Уларга ажратиладиган сумманинг 50 фоизигача миқдори ускуналарни харид қилишга сарфланади, 15 фоизи узоқ муддатли кредит сифатида берилади; даслабки икки йил мобайнида ноишлаб чиқариш харажатларига алоҳида маблағлар берилади. Имтиёзларни беришда вақти-вақти билан фирма фаолияти аудиторлик назоратидан ўтказилади ҳамда қонунлар жиддий бузилгани аниқланганда улар бекор қилинади.

Германияда ҳам кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш дастури ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда. Унга мувофиқ тадбиркорга фаолиятнинг даслабки икки йилида фоизсиз кредит берилади. Кейинги йилларда эса жуда паст ставкаларда йиллик фоизлар ундирилади. Шу тариқа улар фаолияти дастлабки даврда бошланғич сармоя билан таъминланади. Имтиёзлар давлат ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган бизнес-режага асосан берилади. Кейинчалик бу ташкилот кредитдан мақсадли фойдаланилаётганлигини жиддий назорат қилади. Барча харажатлар тегишли ҳисоб варақлар билан тасдиқланиши талаб этилади. Ишлаб чиқариш соҳасида фаолият юритаётган кичик корхоналар арзон нархларда қурилиш учун ижарага ер участкалари олади.

Японияда кичик тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун йилига 180 млрд. иена миқдоридаги бюджет маблағлари сарфланади. Бундан ташқари, кичик корхоналар давлат инвестициялари ва қарзлари дастури доирасида махсус бюджет ҳисоб варақлари бўйича ҳам молиялаштирилади. Уларнинг

даромад қисмини нафақа фондлари, почта суғурта фонди, почта омонат кассалари, шунингдек, давлат томонидан кафолатланган заёмларни чиқариш ташкил этади. Давлат маблағларини тақсимлаш Япония ҳукумати томонидан ташкил этилган Кичик тадбиркорлик корпорацияси каби тижорат тузилмалари томонидан амалга оширилади. Кичик корхоналарга давлат имтиёзли кредитларини тақдим этиш корпорация фаолиятининг асосий йўналишларидан биридир. У ҳар йили кичик корхоналарга 20 млрд. иена миқдорида ёрдам кўрсатади. Умуман, Японияда кичик корхоналарни кредитлаш муаммоси кредит кафолатлари ва кичик корхоналар фаолиятини суғурталаш бўйича анча мураккаб тизим орқали ҳал қилинади. Бу тизим тижорат асосида ишлайдиган ижтимоий ташкилотлар бўлган 52 та уюшмани қамраб олади.

Бундай уюшма кичик корхоналардан бериладиган гаров учун кредит суммасининг 1 фоизини олиб, аъзоликка кириш бадаллари ҳисобига тўлдириб бориладиган суғурта фонддини ташкил этади. Гаров берганидан кейин уюшма кафолат суммасининг 4-5 гача қисмини суғурталайди. Шу тариқа, уюшма қарз олувчи тўловга ноқобил бўлгани ҳолда қарзнинг деярли бутун қисмини ўз зиммасига олади. Чунончи, уюшма зарарни кичик корхонанинг ўзи ҳисобига қоплаш ҳуқуқини ҳам сақлаб қолади. Бу тизим туфайли уюшма аъзолари гаров бўлмаган тақдирда ҳам унинг кафолатлари остида кредит олишлари мумкин. Бундан ташқари, юқори даражада ихтисослашган Япония банк тизимида бевосита кичик ва ўрта корхоналар билан ишлайдиган бир неча турдаги банклар ҳам мавжуд.

Уларга биринчи навбатда асосий шаҳарларда жойлашган “Regional banks” маҳаллий банклар киради. Аксарият бундай банклар катта бўлмай, асосан кичик ва ўрта корхоналарга хизмат кўрсатишга мўлжалланган. Бундай миқозлар билан ишлайдиган банкларнинг бошқа тоифаси—анъанавий кредит компаниялари асосида тузилган “Sogo banks” Сого банклар ҳисобланади. Уларнинг миқозлари ва фойда олиш миқдори чекланган, яъни, миқозлари 300 кишигача бўлиши, фойдаси эса 800 млн. иенадан ошмаслиги зарур. Кичик ва ўрта тадбиркорликка мўлжалланган кредит муассасаларининг учинчи тоифаси

– “Shikhin” (Шикхин) банклар ҳисобланиб, бу кичик корхоналар эгалари аъзо бўлган ширкатлардир. Улар ширкат аъзоси бўлмаган корхоналарни ҳам молиялаши мумкин, лекин бунда сумма кредитлаш умумий миқдорининг 20 фоизидан ошмаслиги лозим.

Россияда кичик корхоналарни давлат томонидан кредитлаш авваллари бевосита кичик корхоналарни қўллаб-қувватлаш федерал фонди орқали амалга оширилар эди. Бироқ бундай усул самарасиз бўлди ва 1996 йилдан бошлаб фонд ўз дастурларини фақат танлов асосида сара агент-банклар орқали бажармоқда. Бироқ, банклар шунчаки ўтказиш тармоғи бўлибгина қолмай, инвестиция таклифлари экспертизасини танлаш оддий тизимида ишлаган тақдирдагина кичик тадбиркорликка кредитлар бўйича давлат маблағлари ҳисобига кафолатлар берилади.

Латвияда 1997 йил 9 сентябрда Кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш миллий дастури қабул қилинди. Унинг доирасида Европа комиссияси ва Австриянинг “Burgess Forderungs bank” билан ҳамкорликда Латвия кафолат агентлиги ташкил этилди. Унинг вазифалари кичик ва ўрта тадбиркорликни инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, уларни имтиёзли кредитлар билан таъминлаш, кредитларни тақдим этадиган молия ташкилотлари хатарини камайтиришдан иборат.

Нидерландияда кичик бизнесни молиялаштиришнинг энг оммавий схемаларидан бири – кичик ва ўрта корхоналар учун кафолатлар схемасидир. Унга мувофиқ ҳолда хусусий банклар давлат томонидан қисман кафолатланган қарзларни беришлари мумкин. Венчур капитал компаниялари учун бошқа бир схема мавжуд бўлиб, у корхоналар фаолиятига давлат аралашуви сифатида баҳоланади. Бироқ, ҳозирда капитал бозорига давлат таъсирини аста-секин камайтириб бориш режалаштирилмоқда. Мустақил иш юритувчи тадбиркорларлар, шунингдек, илгари ишсиз бўлиб, хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилган шахслар молиявий қийинчиликни бошдан кечирган тақдирларида ижтимоий хизмат кўрсатиш

бўйича муниципал департаментларга ёрдам сўраб мурожаат этишлари мумкин.

Нидерландияда кичик ва ўрта корхоналарга нисбатан солиқ бўйича тартибга солиш биринчи навбатда янги ташкил этилган корхоналарга ҳамда ўзи меҳнатда бевосита банд бўлган тадбиркорларга қўлланилмоқда. Жумладан, “дастлабки йўқотишлар”ни қоплаш учун миқдори чекланмаган товон кичик корхоналарнинг ташкил топишига анча ёрдам берди. Мазкур схемага мувофиқ равишда зарарлар солиқ тўлаш чоғида чегириб ташланиши мумкин. Шундай тарзда тадбиркор ўзининг зарарларини фирма фаолиятининг дастлабки 6 йили давомида қоплаб олиши мумкин.

Яқин вақтларгача ишловчилар сони 25 кишигача бўлган компаниялар ташқи бошқарувчига тўлаш учун субсидиялар олиши мумкин эди. Бироқ, бу имтиёздан жуда кўплаб фойдаланишлари туфайли қўллаб-қувватлашнинг мазкур турини амалга оширишга давлатнинг маблағи етмай қолди. Нидерландиянинг солиқ тизими тадбиркорларнинг даромадларини солиққа тортишда қуйидаги чегирмаларни кўзда тутди:

- тадбиркорнинг ўзи бевосита банд бўлган чоғдаги чегирма;
- пенсия захираси (ўзи банд бўлган тадбиркор ҳам ёлланма ходим учун тааллуқли бўлган пенсия таъминоти шароитларига эга бўлмоғи лозим);
- мазкур ишда банд бўлган турмуш ўртоғи учун чегирма, ва ҳ.к

Агентлик Латвия Банки билан бериладиган кафолатлар мақоми ва тижорат банклари томонидан кичик ва ўрта тадбиркорлик субъектларини кредитлашда улардан фойдаланиш ҳақида шартнома имзоланди.

3.2 Кичик ва оилавий бизнесни ривожлантиришда инновацияларни жорий этишнинг иқтисодий самараси

Бугунги кунда жамият янги босқич – ахборот технологиялари ва компьютерлашган тизимлар, юқори ишлаб чиқариш технологиялари ривожланган бир даврда, инновацион технологиялар, инновацион тизимлар

ва инсон фаолиятини турли хил соҳаларини инновацион ташкил этишни ўз ичига олади. Бунинг пировард натижаси сифатида мамлакатда инновацион иқтисодиётнинг яратилиши назарда тутилади. Махсус адабиётларнинг таҳлили, хорижий олимларнинг тадқиқотлари кўрсатмоқдаки, ХХІ асрнинг биринчи ярмида инновацион иқтисодиётнинг юзага келиши мамлакат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётини белгилаб берувчи асосий устуворлик касб этмоқда.

Мамлакатдаги иқтисодий ислохотларни амалга оширишда, инновацион янгилашда нодавлат сектори – хусусий мулк эгалларини ўрни тобора салмоқли бўлиб бораяпти; реал сектор тармоқларини модернизация қилиш жараёнида юзага келаётган муаммолар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини янада кенгрок қўллаб-қувватлаш, жумладан, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан макроиқтисодий барқарорликни таъминлашга бўлган ҳиссасини таҳлил қилиш давр талабадир. Ушбу йўналиш мамлакат ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлаб қолмай, балки аҳоли бандлиги ва реал даромадларини оширишда, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро алоқаларни йўлга қўйишда катта аҳамият касб этади, уларни модернизация қилиш ва тармоқ корхоналарида инновацион янгиликларни жорий қилиш бўйича зарур шарт-шароитлар яратишга ундайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослаша олиши ва истеъмолчи талабини ўз маҳсулотларида тез акс эттириши туфайли доимо тармоқда рақобатбардош маҳсулотлар чиқаришига даъват этувчи куч сифатида хизмат қилган.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг инновацион ривожланишдаги мақсадга мувофиқ иштирокини таъминлаш учун ушбу соҳада юзага келиши мумкин бўлган муаммо ва тусиқларни олдиндан аниқлаш ва бартараф этиш белгиловчи аҳамиятга эга. Инновация соҳасидаги маҳаллий ва хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш асносида бизнеснинг инновацион фаолиятига ҳалал бериши мумкин бўлган қуйидаги муаммоларни тахмин қилиш мумкин:

- тадбиркорлик субъектларининг илмий тадқиқот муассасалари билан ҳамкорлиги етарли даражада эмаслиги. Минтақаларда илмий тадқиқот фаолиятининг кенг ривожланмагани;

- минтақаларда инновацион инфратузилмани етарли даражада ривожланмагани;

- тадбиркорлик субъектларига ўз инновацияларини илгари суриш бўйича тажриба ва кўникмалари етишмаслиги;

- минтақаларнинг давлат илмий-техник дастурларидаги иштирокининг сустлиги;

- илмий сиғими катта бўлган лойҳаларга кичик бизнес субъектларининг кам жалб этилиши;

- кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича имкониятлар тўғрисида етарлича ахборотга эга эмаслиги;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари томонидан илгари сурилаётган инновацион лойиҳаларнинг инвестициялар киритиш ва кредитлари билан таъминлаш учун зарур ҳажмда эмаслиги ва ҳ.к.

Иқтисодиёт тармоқлари ривожланиши, инновацион янгиланишига ҳисса қўшадиган йўл кичик бизнеснинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш учун зарур ташкилий, ҳуқуқий, молиявий мезанизм ва шароитларни яратиб беришдан иборатдир. Мазкур тадбир реал сектор тармоқларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда маҳсулотларини хорижга янада кўпроқ чиқаришга, уларни рақобатдош бўлиб яратилиши, бу эса, ўз навбатида тармоқларни модернизация қилишда муҳим бир омил бўлиб хизмат қилишига сабаб бўлади. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги глобаллашув ва жаҳон иқтисодий муносабатларидаги рақобатлар шароитида аниқ бир ишлаб чиқаришни таъминлаш, уни модернизация қилиш ва жаҳон стандартига жавоб берадиган даражага кўтариш айнан олим ва мутахассисларнинг инновацион фаолиятига боғлиқдир. Республикамизда инновацион фаолиятнинг ривожлантирилиши,

биринчидан, янги билмларнинг пайдо бўлишига олиб келса, иккинчидан, бу инновацион билимларни амалиётга татбиқ этилиши орқали иқтисодийтимизнинг интенсив тарзда ривожланишига туртки бўлмоқда.

Шунинг учун, бугун ўзбек олимлари бирон-бир фанга асосланиб, тадқиқот йўналишини танлашдан олдин биринчи ўринда махсулотнинг барча имкониятлари, унинг амалиётга татбиқ этилиши, ишлаб чиқаришда таннархни пасайтирган ҳолда рақобатдошлик даражаси, энергетик қуввати қай ҳолатда бўлиши мумкинлиги устида изланиш олиб бормоқдалар. Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик рақобат муҳити ривожланишига ёрдам беради ва шу билан иқтисодийнинг монополлашув даражасини камайтиради ҳамда мулкдорларни шакллантиришнинг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Соҳадаги ютуқларга қарамай, унда камчиликлар ҳам учрайди, масалан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда фан-техника ютуқлари, уларда инновацион лойиҳаларни яратиш ва амалиётга татбиқ этиш муаммоларидир. Миллий инновацион тизимни шакллантириш биринчи навбатда, инновацияларни бошқариш учун менежер кадрлар тайёрлаш, маҳаллий юқори технологияли ишлаб чиқариш менежменти меъёрларини халқаро меъёрларга етказишни, ахборот хизматлари ривожланган тармоғи, жумладан, инновацион лойиҳалар бўйича маълумотлар тўплами ва ахборот тизимлари, риск капитали бозорларидаги конъюнктура ҳақида ахборот, баъзи лойиҳаларга маблағ киритишнинг мақсадга мувофиқлиги ҳақида тавсияларни талаб қилади. Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг илмий-техник даражасини ошириш, қолаверса, уларнинг инновацион фаолиятини ривожлантириш давлатнинг стратегик аҳамиятига эга вазифаларидан биридир.

Давлат кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилаётган ҳамда ҳукуматимиз аҳамиятига молик инновацион лойиҳаларни солиқлардан озод этиши ва уларни кредитлар орқали ривожлантиришга эътибор қаратиши лозим. Бу соҳада инновацион ва инвестицион сиёсатнинг олиб борилиши танлов асосида ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Инновацион соҳада кичик

тадбиркорликнинг манфаатларини таъминлаш орқали давлат аҳамиятига молик муаммоларни қуйидаги асосий вазифалар билан ҳал этиш мумкин:

1. Инновацион соҳада кичик тадбиркорлик ривожланишига кўмаклашиш ва яна ишлаб чиқаришнинг илмий-техник даражасини ошириш.
2. Инновацион фирманинг йирик ва кичик корхоналар билан ҳамкорлигини ва кооперация алоқаларини қўллаш.
3. Ташқи иқтисодий фаолият соҳасида инновацион бизнес ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантириш.
4. Ижтимоий муҳитни шакллантириш.
5. Экологик аҳволни яхшилашда уларни қўллаб-қувватлаш.
6. Инновацион монополиялар манфаати учун ресурсларни қайта тақсимлашни ташкил этиш ва бу орқали иқтисодиётдаги номутаносибликни ва мувозанатсизликнинг олдини олиш ва бошқалар.

Кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятни инновацион ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири, буларнинг ишлаб чиқарган маҳсулотлари (иш, хизматлари) бўйича ягона электрон базасини шакллантириш ва интернетдан фойдаланиш механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Мазкур йўналиш бўйича хорижий давлатларнинг амалиётида кенг қўлланилиб келинади.

Масалан, Америка иқтисодиёти ва кичик бизнесида Интернетнинг ўрни хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш зарур. Интернет ривожланишини тадбиркор, корхонанинг ахборот жамияти шароитида алоҳидалашувга қарши таъсири сифатида кўриб чиқиш мумкин. Кичик корхоналар бошқа турдагилари сингари ҳам ахборот қабул қилиш, ҳам ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни тарқатишга эҳтиёж сезади. Жойлашув ўрнига кўра чегараланган ҳолда улар Интернет ёрдамида географик чегараланган ёриб ўтишга ҳаракат қилади. IDC тадқиқот натижаларига кўра, 78, 1999 йилда Тармоққа уланган кичик корхоналар умумий ҳисобининг 52 % дан ортди, 2010 йилга келиб эса бу кўрсаткич 85 % ни ташкил этган. Кичик корхоналарнинг аксарияти ўзи ёхуд маҳсулотини Интернет тақдим этиши устунликларини муносиб баҳолаб,

ўз саҳифа ёки сайтига эга бўлган. Бошқа томондан эса кичик корхоналарнинг 13 % Интернетдан фойдаланиш у ёқда турсин, компьютерга ҳам эга эмас. Бундай шароитда улар ахборотга эга бўлган эҳтиёжини реклама каталогларини чоп этиш, турли кўргазмаларда иштирок этиш ва ҳ.к.лар билан кондиришга ҳаракат қилади. Кўп ҳолларда, кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш билан шуғулланувчи ташкилотлар ана шундай каталоглар нашр этиб, кичик корхоналарнинг кўргазмаларда иштирок этишига ҳомийлик кўрсатади.

Жамиятнинг деярли ёппасига интернетлашуви шароитида (АҚШ да аҳолининг 40 % тармоқ фойдаланувчилари ҳисобланади. Масалан: Канадада -60 %, Австралияда - 68 %, Буюк Британияда - 68 %, Японияда - 60 %, Россияда - 15 %, Ўзбекистонда - 24 %) Интернет кичик бизнес учун янги фаолият соҳалари ҳисобланади: электрон тижорат, молия инфратузилмасининг электрон - тармоқ шакллари ва бошқаларни очиб беради. Индивид ва ташкилотлар иқтисодий муносабатларнинг бозор шакли ўрнига тармоқли модел кириб келмоқда. Компьютерлар такомиллашиб, арзонлашуви ҳамда корхона (Интернет) ички маконида Интернет технологияларидан фойдаланиш имконияти вужудга келиши билан масофавий меҳнат муносабатлари оммалашиб бормоқда.

АҚШ даги кўплаб майда ва ўрта корхоналарда 90 % гача ходимлар компьютер терминалларидан фойдаланган ҳолда ишлайди. Уй шароитида ёки тегишли кичик корхоналарда транспорт ва энергияга сарф-харажатларни қисқариш, идора таъминоти билан боғлиқ харажатларни тежаш имконини беради. 90-йилларнинг иккинчи ярмида электрон тижорат айти авж палласига чиққанда аксарият таҳлилчилар Интернетни электрон савдо қулайликларидан фойдаланиш имконини берувчи диверсификатлашган тузилма, ривожланган инфратузилма, тартибга келтирилган логистика ва сотув ҳажмига эга йирик корпорацияларнинг навбатдаги устунлик томони деб аташган. Чиндан ҳам фақат йирик савдо тармоғи ёки корпорацияси буюртмани тармоқ орқали қабул қилган ҳолда маҳсулотнинг истеъмолчига

етказиб берилишини таъминлаши мумкин эди. Бироқ электрон тижорат ривожланиб боргани сари бизнес илдамлигида кичик бизнес каттасидан сира ҳам қолишмайдиган электрон тижоратнинг тўртинчи даври тобора муҳим аҳамият касб этади.

Ҳозирда амал қилувчи таснифга кўра, электрон тижоратнинг *биринчи* даври унда мавжуд корхона раҳбарлари Интернетдан фойдаланиш имконига эгаллиги, корхоналарнинг ўзи эса, одатда, глобал тармоқда ўзининг оддий тақдирот соҳасига эга бўлиши билан фарқланади.

Иккинчи даврдаги корхоналар маълум даражадаги сервисни таъминлаш ҳамда мижозларни қўллаб-қувватлаш мақсадида брошюралар билан кифояланмайди. Улар ўз маҳсулот ва хизматларининг тасвирий намоишсини таклиф этади. *Учинчи* даврдаги корхоналар Веб - сайтларидан савдо-сотик мақсадида фойдаланадилар. Буларга даромад келтирувчи рақамли он-лайн – маҳсулот, масалан, дастурий таъминот ёки турли хил интеллектуал маҳсулотларни киритиш мумкин. Кўпинча В2С (business - to - customers) электрон тижорат деб ҳам аталади. Электрон тижоратнинг *тўртинчи* даври В2В (business - to - customers), Интернет орқали савдогина эмас, асосий бизнес – операцияларнинг ҳам тармоқ билан интергациялашувини назарда тутлади. Айни кунда киришдан асосий фойда ҳисоб - китобнинг он-лайн тизимлари орқали алоқа қилувчи йирик ва ўрта компанияларга тегмоқда. Ford, Sears ва US Steel га ўхшаш қудратли анъанавий корхоналар қисман В2С чакана савдо соҳасида йўқчиликни вужудга келтирганга ўхшаш dotcom кўзғолони 80 та бартараф этишга эга бўлган уриниш сифатида ўз таъминот занжирларини интеграциялаш режалари ҳақида шошилиш тарзда маълум қилишмоқда.

Бироқ, мутахассислар В2В га қўшилишдан нисбатан катта фойда Интернет бўйича ҳамкорлари ёрдамида бозорнинг аҳамиятли сегментлари устидан бошқарувни таъминлай оладиган ҳамда даставвал кичик бизнесга хос бўлмаган лойиҳаларни амалга ошириш имконига эга бўлувчи кичик корхоналарга тегади, деган фикрда қолаяпти. “*АҚШдаги кичик ёки уй*

шароитидаги идораларга эга кўп сонли кичик компаниялар мажмуалиги уларга муштарак саъй - ҳаракатлар билан B2B тарихидаги чиндан ҳам йирик шахсга айланиш имконини беради”, - дейди америкалик иқтисодчи Д.Рамский. Extensible Markup Language (XML) каби кўп сонли компанияларга Интернет орқали бизнес-операциялар амалга ошириш имконини берувчи ҳамда Web Hosting ва Application Service Providers (ASP) сингари кичик бизнес учун Интернет тижорат корхоналарини камайтирувчи инновацияларни ҳисобга олган ҳолда С.Marteter электрон журнали интернет тижоратнинг 4 сонига кирувчи кичик корхоналар сонининг инқилобли ўсишини башорат қилмоқда.

Дунё хўжалик алоқаларининг ҳозирги глобаллашув шароитида тармоқли интеграцияга эҳтиёж айниқса муҳимдир. Умуман олганда, глобализацияни Интернет ривожланишидан айрим ҳолда кўриб чиқиш амримаҳол. Интернет фонд ва молия бозорлари орасидаги тафовут чегарасини бузиб, бизнеслар қийматида нуфуз таркибини кучайтирган ҳолда (сўнгги 15 йил ичида PR ҳосил қилувчи нуфуз қийматининг улуши ғарб компаниялар маҳсулоти қийматида 18 дан 82 % гача ўсди; бунда нуфузнинг 1 %га ўсиши ҳам акция бозор қийматининг 3% га ўсишига олиб келади. В. Егоров ва Д. Жовтунларнинг фикрича, ҳозирги шароитда ахборотнинг ижтимоий ҳам товар – пул асосда аниқланди, бу эса бозорнинг ҳам ахборот, ҳам товар - пул таркибини ўзгартириб юборади. Биринчиси унинг “ҳаво” пуллар билан тўлдирилиши, иқтисодиётнинг зўриқиб, охир-оқибат маҳаллий ва жаҳон иқтисодий инқирозга олиб келади. Бошқа томондан худди шу оқибатларни келтириб чиқарувчи “эски” иқтисодиёт механизмларининг самарасини йўқотиш ҳолати юз беради.

Дарҳақиқат, биржа ўйинлари орқали миллий бойликнинг асосий қийматини ҳосил қилувчи америкаликлар иқтисодиётнинг бош индекслари ҳамда ҳозирда америкалик оилаларнинг 50 % дан ортиғи эгалик қилувчи (Германияда атиғи 6 % оила акцияга эга) корхона акцияларининг биржадаги нархига ниҳоятда қарам бўлиб қолади. Катировка ёхуд бош индексларнинг

хатто қисқа фурсатга тушиши ҳам бундай шароитда жиддий оқибатларга олиб келади; масалан, спекулятив капиталларнинг асосий қисми жамланган NASDAQ юқори технологияли корхоналар индексининг кескин пасайиши 2000 йилда 3 триллион долларгача сохта капиталини йўқотишга олиб келади.

Иқтисодий муҳитнинг ноаниқ ҳамда башорат этиб бўлмаслигини кучайтирган ҳолда глобализация соҳалараро ва кўп миллатли компанияларни ишлаб чиқишни қайта ташкил этиб, диверсификациялашга ундамоқда. Йирик компаниялар фаолиятининг бош тамойилига майда мустақил бўлинма-компаниялар (даромад марказлари)ни ажратиш ишлаб чиқариш ва хизматларнинг бир қисмини субпудратчиларга бериш, тармоқ чизмалар асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, кичик инновацион, ишлаб чиқариш ва савдо компаниялари билан кооперациялашув жараёнига айланиб қолмоқда. Бунда америка иқтисодиётининг ўзига хослиги ниҳоятда кучли рақобат шароитида йирик корхоналарга ишлаб чиқаришни диверсификациялаш жараёнида янги бўлинма ташкил этмай, мавжуд бренддан фойдаланган ҳолда оёққа турган кичик бизнеснинг ўзини сотиб олиш фойдали бўлиб қолаётганида намоён бўлади. Айнан ана шу диверсификация синэнергиясини таъминлайди (яъни янги тузилмани бириктириш аввалгисига бозорда ўзига тенг вазн ва қиймат қўшибгина қолмай, бундай кўрсаткичларни тизимли равишда “2+2=5” натижасига эришиш мақсадида ошириб беради³⁰.

Аммо юқорида кўрсатиб берилганидек, АҚШ иқтисодиётининг электрон тижорат 4 - фазасига кириши натижасида бундай диверсификация ўз долзарблигини йўқотади, ҳамда кичик бизнеснинг каттасига нисбатан аҳамияти янада ортади. Электрон тижорат даврида, инновация бозорни эгаллашдан кўра муҳимроқ бўлган бир пайтда, корхоналар ҳажми ҳамда уларнинг иқтисодий марказларга нисбатан ҳолати аста-секинлик билан ўз аҳамиятини йўқотади. Мамлакатимизда интернетлашув жараёни 1994 йилдан бери ривожланиб келмоқда. Ҳозирги кунга келиб, телекоммуникациялар

³⁰ Баев Н., Кожин С. Диверсификация промыванных предприятий в США // Мэи МО 2001. № 10, с.86

хизмати глобал Интернет тармоғи билан тобора чамбарчас боғланиб бормоқда, тармоқдан фойдаланиш эса одамлар ўртасида фаол ахборот ва билимлар алмашиш имконини беради. Бу эса, билимларга асосланган жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Масалан, бугун Ўзбекистонда Интернетдан фойдаланувчилар умумий сони 3 миллион кишидан ошди. Мамлакатда Интернет хизмати ва маълумотлар узатиш тармоқлари провайдерлари ҳамда операторлари сони 921 тани ташкил этади, глобал тармоқдан оммавий фойдаланиш пунктлари умумий сони 963 тага этди. Бу йил Интернет тармоғидан кенг фойдаланаётган мижозлар улуши икки баравардан ошди ва бугун 69 мингдан ортиқ абонентни ташкил этади.

III-боб бўйича хулоса

Хорижий давлатлар амалиёти бўйича олиб борилган тадқиқотлардан маълум бўлдики, кичик ва оилавий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва молиявий таъминотини мустаҳкамлашда инновацияларнинг ўрни муҳимдир. Аксарият ривожланган давлатларда умуман тадбиркорлик фаолиятини инновациялар орқали такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, корхоналарда инновацияларни жорий этганлиги учун маълум бир имтиёзлар бериш механизми, солиқ преференцияларини жорий этиш ва бошқа турдаги инструментлардан фойдаланилади. Мамлакатларда давлат инновацион сиёсатларнинг кўпчилиги ўзларининг миллий вазифаларини ҳал этишлари учун қабул қилинади, бироқ шу билан бирга, айнан инновациялар бутун жаҳон ҳамжамиятини қўйилган мақсадига эришиш ва умумий фаровонликни таъминлаш учун бирлаштирувчи “*янги мафкура*” сифатида намоён бўлмоқдалар.

Инновация бу илм-фан ва техника тараққиёти бўйича маълум бир янгилик, кашфиётларни яратиш ёки мавжуд ишлаб чиқариш жараёни билан боғлиқ бўлган ресурслардан фойдаланишни такомиллаштириш; доимий

равишда янгиликлар излаш, бозор талабларига мос келадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришда илғор технологияларни қўллаш ва меҳнатни ташкил этиш усулларида фойдаланиш; бозор иқтисодиёти шароитида инновацион инвестиция маблағларидан фойдаланиш бозор субъекти ихтиёрида бўлиб, инновацион фаолиятни ташкил этиш даражасига боғлиқ бўлиши керак.

Телекоммуникация хизматлари, жумладан, Интернет тармоғини ривожлантириш Ўзбекистоннинг глобал ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятга муваффақиятли интеграциялашуви ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятини инновацион ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда минтакаларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини таъминлаш ва кучайтириш минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифанинг самарали ҳал этилиши маҳаллий корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш орқали минтақа иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.

Кичик бизнес корхоналари фаолиятини молиялаштириш ва солиққа тортишнинг юқорида кўриб чиқилган хориж тажрибалари шуни кўрсатадики, мазкур соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ҳар бир ривожланган мамлакат иқтисодий сиёсатининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади ва уларнинг кенг ва атрофлича ўрганиш, ундан ютуқ ва янгиликларни ўз тажриба ва амалиётимизни ривожлантиришда фойдаланиш миллий иқтисодиётнинг янада жадал юксалишига кичик ва оилавий бизнеснинг улкан ҳисса қўшишларига имкон беради. Юқорида қайд қилинган тажрибаларнинг ва чора-тадбирларнинг мамлакатимизда эътиборга олинishi ва амал қилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш ва улар фаолиятини истиқболли ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Магистрлик диссертациясини бажариш давомида амалга оширилган тадқиқотлар натижасида, биз томондан қуйидаги асосий хулосаларга келинди ва таклифлар ишлаб чиқилди:

1. Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

2. Микрофирма – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

3. Кичик бизнес субъектлари – корхона кўлами, ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчилар сони, молиявий маблағлари миқдори ва бошқалар жиҳатидан имкониятлари чекланган ишлаб чиқарувчи субъектлар. Республикамизда кичик бизнес субъектлари тоифасига якка тартибдаги тадбиркорлар, микрофирмалар ва кичик корхоналар киради.

4. Оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулккий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир. Оилавий тадбиркорлик юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

5. Ҳозирги кунга қадар мамлакатимизда давлатнинг кичик бизнесни қўллаб-қувватлаши асосан қуйидаги йўналишларда амалга ошириб келинмоқда: мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши учун лозим бўлган ҳуқуқий-меъёрий асос яратилди; кичик бизнеснинг ривожланишида устуворликлар белгиланди, кичик бизнес ва

хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашнинг Дастури ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда; кичик бизнеснинг ривожланишига ёрдам берувчи бозор инфратузилмасига асос солинди; имтиёзли солиқ, субсидиялар, давлат ва бюджетдан ташқари фондлардан бериладиган имтиёзли кредитлар, халқаро молия институтлари кредитларини жалб этиш кичик бизнес ривожланишини рағбатлантиради; ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга хорижий ва миллий валютада микрокредит бериш механизми ишлаб чиқилди ва жорий этилмоқда.

6. Кичик ва оилавий тадбиркорлик субъектларини янада ривожлантириш учун тижорат банклари ўз кредит ресурсларини қуйидаги йўналишлар бўйича такомиллаштириш ва кредитлаш ҳажмини кенгайтириш мақсадга мувофиқдир:

- тадбиркорлик тузилмалари, фермер хўжаликларига минитехнология ва ихчам асбоб-ускуналар харид қилиши ва кўрсатиладиган лизинг хизматлар ҳажмини ошириш;

- истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи хўжалик субъектларига хомашё ва материаллар сотиб олиш, факторинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини ошириш;

- устувор равишда узоқ ва бориш қийин бўлган туманлар, шунингдек, меҳнат ресурслари ортиқча бўлган туман ва шаҳарларда жойлашган ишлаб чиқариш микрофирмалари, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларининг юқори технологияли ва инновация лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган имтиёзли кредитлар ҳажмини 20-30 фоизга ошириш.

7. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари самарадорлигини ошириш юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мақсадга мувофиқ:

- саноатда кичик бизнес корхоналарининг улушини ошириш бўйича чора-тадбирларни такомиллаштириш;

– кичик бизнес субъектларида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан мунтазам модернизация қилиб бориш учун самарали рағбатлантириш тизимини яратиш, модернизация қилишда ўрнатилган ва ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилаётган янги ускуналарни мулк солиғидан озод қилиш;

– иқтисодиётни модернизациялаш ва тузилмавий силжишлар асосида экспортни рағбатлантириш ҳамда экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни ривожлантиришда сезиларли солиқ имтиёзларини яратиш;

– иқтисодиётнинг аграр секторини барқарор ривожлантириш, қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитлари сифатини яхшилашга йўналтирилган молиявий кўмаклар кўламини янада кенгайтириш;

– соҳада инновацион фаолликни оширишга алоҳида эътибор қаратиш, илм-фан ютуқларини фермер ва деҳқон хўжаликлари, сервис хизмати кўрсатувчи ҳамда ресурс билан таъминловчи корхона ва ташкилотлар фаолиятига кенг тадбиқ қилиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади.

8. Ҳозирги шароитда мамлакатимиздаги турли тармоқлар ва хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги ишлаб чиқариш кооперациясини янада кучайтиришда кичик бизнес имкониятларидан кенгроқ фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун эса қуйидаги йўналишлардаги чора-тадбирларнинг амалга оширилиши зарур:

- кичик бизнес субъектлари томонидан доимий равишда йирик саноат корхоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш мумкин бўлган ҳамкорлик имкониятларини ўрганиб бориш;

- йирик саноат корхоналари билан ҳамкорлик алоқаларига киришиш учун зарур шарт-шароитлар – моддий-техника базасини кучайтириш, асбоб-ускуна ва жиҳозларни замонавий талаблар асосида янгилаш, ишлаб чиқаришга тежамкор технологияларни жорий этиш, юқори сифатли хомашё ва материаллардан фойдаланиш, энг муҳими – юқори малакали мутахассис ва ходимларга эга бўлишни таъминлаш;

- миллий ва хорижий мамлакатлар иқтисодиётидаги кооперация алоқаларини ўрнатиш мумкин бўлган доимий ҳамкорлар тўғрисида доимий равишда ахборотга эга бўлиш, уларнинг талабларини ўрганиб бориш, мазкур талабларни қондириш мақсадида ўз таклифларини мувофиқлаштириш чоратadbирларини ишлаб чиқиш;

- давлат томонидан йирик саноат корхоналарини кичик бизнес субъектлари билан ҳамкорлик алоқаларига киришишини рағбатлантирувчи иқтисодий механизмларнинг жорий этиб борилиши;

- йирик саноат ва бошқа корхоналарнинг ўзлари томонидан бажарилувчи, бироқ самарадорлиги нуқтаиназаридан ихтисослашган кичик корхоналар ёрдамидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш турларини тақдим этишнинг намунавий андоза ва шакллари ишлаб чиқиш, бу борадаги тажриба ва маълумотларни турли воситалар орқали тарғиб этиб бориш ва ҳоказо.

9. Телекоммуникация хизматлари, жумладан, Интернет тармоғини ривожлантириш Ўзбекистоннинг глобал ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятга муваффақиятли интеграциялашуви ва аҳоли турмуш даражасини оширишга ҳамда кичик тадбиркорлик субъектларини фаолиятини инновацион ривожлантиришга хизмат қилади. Ҳозирги кунда минтақаларда кичик бизнес субъектларининг инновацион фаолиятини таъминлаш ва кучайтириш минтақа иқтисодиётини ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Мазкур вазифанинг самарали ҳал этилиши маҳаллий корхоналарнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш орқали минтақа иқтисодиётининг барқарор ўсиб бориши ва рақобатдошлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

I. Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. –Т.: «Ўзбекистон», 2008 й
2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси. Расмий нашр. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги – Т.: “Адолат” – 2010 йил.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” ги Қонуни 1996 йил 30 август.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида” ги Қонуни 2000 йил 25 май.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Хусусий корхона тўғрисида” ги Қонкни 2003 йил 11 декабрь.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Микромолиялаш тўғрисида” ги Қонуни. 2006 йил 15 сентябрь ЎРҚ-50-сон.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги 2012 йил 26 апрелдаги Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида” ги (янги таҳрири) Қонуни 2012 йил 2 май.

II. Ўзбекистон Республикаси Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 4 апрелдаги “Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24 августдаги “Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПФ-4354-сонли Фармони.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқаритиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4453 сонли Фармони.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги Фармони. 2012 йил 10 апрел.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 18 июлдаги “Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4455-сонли Фармони.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 20 январь, ПҚ-1041-сон.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 26 январь, ПҚ-1047-сон.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2009 йил 28 январь, ПҚ-1050-сон.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 сонли “2011-2015 йилларда Республика молия банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” ги Қарори

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» давлат дастури тўғрисидаги ПҚ-1474-сонли Қарори 2011 йил 7 февраль,

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 25 августдаги “Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-1604-сонли Қарори.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида” ги 2012 йил 25 декабрдаги ПҚ-1887-сонли Қарори.

21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Экспорт қилувчи корхоналарни рағбатлантиришни кучайтириш ва рақобатбардош маҳсулотларни экспортга етказиб беришни кенгайтириш борасида қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-1731-сонли Қарори.

22. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли “Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида” ги Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 20 июлдаги 216-сонли “Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.

24. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Оилавий корхона томонидан фойдаланишга йўл қўйилмайдиган моддалар, материаллар ва асбоб-ускуналар рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида” ги Қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

25. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: Ўзбекистон, 2005 й.

26. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / И.А.Каримов. – Т: Ўзбекистон, 2009.

27. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2010 й. – 56 б.

28. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й. – 48 б.

29. Каримов И.А. Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида – Т.: “Ўзбекистон”, 2011 й. – 440 б.

30. Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: “Ўзбекистон”, 2012 й. – 36 б.

31. Каримов И.А. 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи. 2013 йил 19 январь.

IV. Асосий адабиётлар

32. Ваҳобов А.В., Маликов Т.С. Молия: умумназарий масалалар. Т.: Иқтисод-Молия, 2008 й.

33. Пугач И.Л. Кичик ва оилавий бизнес: ташкил этиш ва ривожлантириш (тадбиркорлик учун қўлланма). Иқтисодий ривожланишга кўмаклашиш маркази. Тошкент 2012 й.

34. Lipman Fr. The family business guide, NY Palgrave macmillan, 2010.

35. Frederick D. Lipman The Family Business Guide, 2010.

36. Ковалев В.В. «Курс финансового менеджмента» Учебник 2-издание. Москва «Проспект» 2011 г 478 – стр.

37. Лукасевич И.Я. Финансовый менеджмент. М.: Эксмо, 2007 г

38. Маматов Б. ва бошқ. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик лойиҳаларини молиялаштириш. Ўқув қўлланма. - Тошкент: ТМИ, 2007. – 152б.

39. Б.Тошмуродова, О.Ҳамдамов Молиявий менежмент. Ўқув кўлланма. “Иқтисод молия” Тошкент 2012 йил.

40. Фалько С.Г., Аксёнов А.П., Берзинь И.Э., Иванова Н.Ю., Карманова В.А., Ключко В.Н., Пикунова С.А., Савченко Н.Н. «Экономика предприятия» Учебник. Москва «КНОРУС» 2011 г. 346 стр.

41. Поляк Г.Б. Финансы. – М.: Юнити-Дана. 2008 г.

42. Э.В. Минько, А.Э. Минько. «Методы прогнозирования и исследования операций» Учебное пособие. Москва «Финансы и статистика» 2010 г – 480 стр.

V. Қўшимча адабиётлар

43. Сломан Дж. Экономика для бизнеса. Учебник. – М.: Эксмо, 2010. - 960 с.

44. Молиявий бошқарув / Муаллифлар жамоаси Р.Р.Ҳасанов, Н.Ҳ.Ҳайдаров, Т.С.Маликов ва бошқ.; ЎзРДЖҚНА. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009 й.

45. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси (ўқув кўлланма) /Тошкент Молия институти – Тошкент – 2009. 296 бет.

46. Тепман Л.Н. «Корпоративное управление. Учебное пособие. Москва «КНОРУС» 2010 г. 244 стр.

VI. Монографиялар ва илмий журналдаги мақолалар

47. Ж.А.Сайдалиев, Кичик тадбиркорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт // Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар, илмий электрон журнали. № 4, май 2012 йил

48. Н.Қ. Йўлдошев, М.П. Юнусов, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш йўллари // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 4, май 2012 йил

49. М.М. Алимбаев, Тадбиркорликни ривожлантиришда хориж марказларида кичик бизнесга ахборот - маслаҳат ёрдами // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 2 ноябрь, 2011 йил

50. Абдурахмонова М. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришда инвестициялардан самарали фойдаланиш истиқболлари // Биржа эксперт. – Тошкент, 2011. – №5. – Б. 13-15.

51. Абдурахмонова М. Мамлакат миллий иқтисодиётининг ўсишида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини ўрни ва муаммолари. // Миллий иқтисодиёт ва иқтисодиёт назариясининг долзарб муаммолари мавзусидаги республика олий ўқув юртлараро илмий – амалий конференция материаллари. – Тошкент, 2012. –Б. 19-20.

VII. Интернет сайтлари

- 50. <http://www.uza.uz> (Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати)
- 51. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
- 52. <http://www.soliq.uz> (Давлат солиқ қўмитаси)
- 53. <http://www.stat.uz> (Давлат статистика қўмитаси)
- 54. <http://www.cbu.uz> (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки)
- 55. <http://www.uzdaily.uz> – (Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хабарномаси)
- 56. <http://www.ceep.uz> – (Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Самарали иқтисодий сиёсат маркази)
- 57. <http://www.uzexport.com> – (Ўзбекистон Республикасининг мамлакат экспорт салоҳияти ҳақида ахборотнома)
- 58. <http://www.bfa.uz> (Банк-молия академияси)
- 59. <http://www.agrobank.uz> (ОАТБ “Агро банк”)
- 60. <http://www.ziyonet.uz> (Маълумотлар каталоги)